Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 5 (6123).

7 ЯНВАРЬ ШАНБА

1978 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ЮТУҚЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

«Партия XXII съезди» колхозида чорва қишлови муваффақиятли ўтмоқда. Чорвадорлар шу кунларда ҳам соғин сигирлардан ёздагидек мўл сут соғиб олишмоқда. Хўжалик чорвадорлари юбилей йилини меҳнатда баракали ютуқлар билан якунлашди. Улар эл дастурхонига 317 тонна серқаймоқ сут, 35,5 тонна гўшт, 75 минг 300 дона тухум етказиб бериб бу борадаги план ва мажбуриятларни ошириб бажардилар.

Колхоз чорвадорлари янги йилнинг дастлабки кунларини зўр меҳнат кўтаринкилиги билан бошлаб юбордилар. Улар ўтган йил эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш мақсадида барча резерв ва имкониятларни ишга солишяпти.

П. ЭРГАШЕВ.

ОҚҚУРҒОН РАЙОНИДА

ҲОСИЛДОРЛИК ОРТМОҚДА

Усмон Анорбоев ўтган йили С. Сегизбоев номли совхозининг қолоқ, камҳосилли бригадасига бошлиқ қилиб тайинланди. Бу бригадада ҳосилдорлик гектар бошига 26 центнердан ошмас эди.

Юбилей йилини зўр меҳнат кўтаринкилиги билан бошлаган бригада пахтакорлари мўл ҳосил етиштирдилар. Улар барча агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказиб, бир йилда ҳосилдорликни олтя центнерга оширишди: 32 центнерлик марра эгалланди.

Шу кунларда бригада далаларида янги ҳосилга пухта замин ҳозирланмоқда. Ариқ-зовурлар тозаланиб, далаларга маҳаллий ўғит чиқариляпти. Бу ишларни амалга оширишда Ю. Абдуранмов, Ш. Ботиров, А. Темирова, Т. Сулаймонова каби совхоз ишчилари алоҳида ўрнак кўрсатишяпти. Бригада аъзолари бу йил ҳосилдорликни 38 центнерга етказиш ниятидалар.

О. ТУРАҚУЛОВ.

ПЕШҚАДАМ СУТ СОҒУВЧИ

Замира Раҳмонова «Ленинобод» колхозининг пешқадам сут соғувчиларидан ҳисобланади. У йил сайин сут булоғини ошириб, меҳнатда катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Юбилей йилида айниқса у қувончли натижаларни қўлга киритди. Қарамоғидаги 20 бош сигирнинг ҳар биридан 5 минг килограммдан ошириб сут соғиб олиб, зиммасидаги социалистик мажбуриятни бажарди.

З. Раҳмонова айни кунларда ҳам соғин сигирларни белгиланган рацион асосида парваришлаб, кунига ҳар бир говмушдан 11—13 килограммдан сут соғиб олмоқда. Унинг ҳамкасблари А. Худойбердиева, Р. Раҳматуллаевалар ҳам меҳнат беллашувида ортда қолишмаяпти.

З. ШЕРАЛИЕВА.

●

Шунингдек, жамоатчи мухбирлардан Т. Зокиров, А. Абдусаматов ўртоқлар ҳам район меҳнаткашларининг айни кунлардаги ишлари ҳақида редакциямизга хат-хабарлар йўллашган.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧИНЧИ ЙИЛИ ВАХТАСИДА

ҲАМ БИЛИМ, ҲАМ МЕҲНАТ

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мактаблар тўғрисида, ёш авлодни давримизга муносиб кишилар қилиб тарбиялаш хусусида доимо оталарча ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Яқинда матбуотда эълон қилинган муҳим ҳужжатлар: «Умумий таълим мактабларининг ўқувчиларига таълим, тарбия беришни ва уларни меҳнатга тайёрлашни янада такомиллаштириш тўғрисида» КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори, «СССР халқ ўқитувчиси» фахрий унвонини белгилаш тўғрисида» СССР Олий Совети Президиумининг Фармони ва «Умумий таълим мактаблари ўқувчиларининг дарсликлардан текин фойдаланишига ўтиш тўғрисида»ги қарор мана шу ғамхўрликнинг ёрқин далилидир.

Совет мактабини янги босқичга кўтарадиган бу ҳужжатлар мактабда таълимни янгича йўлга қўйишни тақозо этади. Мактабни битириб чиқувчиларнинг ҳаммаси ўқиш давомида фан асосларини ўзлаштириш билан бирга халқ хўжалигида ишлаш учун конкрет меҳнат кўникмалари ҳосил қилишлари асосий вазифа қилиб қўйилмоқда.

Халқ маорифимиз қўлга киритган ютуқлар бениҳоя катта. Маорифимиз ўтган 60 йил ичида чинакам маданий революцияни амалга оширишга ёрдам берди. Бизда ёшларга билим бериш ва уларни тарбиялашнинг ижтимоий системаси вужудга келтирилди, мактаблар чинакам умумхалқ мактабларига айланди. Буни областимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар областимиз территориясида аҳолининг икки процентигина саводли эди. Ҳозир эса мамлакатимиздаги каби Тошкент областида ҳам тўлиқ ўрта таълимга ўтиш асосан тугалланди. Эндиликда областда 136 мингдан ортиқ мутахассис олий маълумотга ва 120 мингдан кўп киши махсус ўрта маълумотга эга. Халқ маорифи қўлининг бунчалик юксалишини илгари тарих билмаган эди. Саккизинчи синфни тамомлаган ўқувчиларнинг 97,2 процентдан ортиғи турли ўрта ва махсус ўқув юртларида ўз маълумотини оширишни давом эттирмоқда. 1289 та мактабда 730 мингдан ортиқ бола ўқимоқда. Область мактабларида 39 мингта яқин юқори малакали ўқитувчи ишламоқда.

Кейинги ўн йил ичида таълимнинг мазмуни яхшиланди, янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратилди. Мактабларда таълим ва тарбия савияси оширилди. Таълим мазмунини экономика, фан ва маданиятнинг бугунги тараққиёти даражасига мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор бериладиган бўлиб қолди. Ўқувчиларнинг ижтимоий-фойдали, унумли меҳнатда иштироки ортмоқда. Мактаблар, ўқув кабинетлари, устахоналар ва ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларининг моддий-техника таъминоти яхшиланмоқда.

Бутун мамлакатдаги каби областимизда ҳам меҳнат таълимини яхши йўлга қўйган, ишлаб чиқариш коллективлари билан яқин алоқа ўрнатган намунали мактаблар бор. Ҳозир ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадалари юзлаб гектар майдонларни ташкил этади, ўрта мактабни тугатган минглаб ўқувчилар ҳар йили дала ва фермалар, цехлар ва қурилишларга кириб келмоқдалар. Бу борада Оққўрғон ва Тошкент районларидаги мактаблар йилдан-йилга яхши ташаббуслар кўтариб чиқишмоқда. Ўқувчиларга меҳнат таълими бериш борасида Чирчиқ шаҳри мактабларида ҳам бирмунча тажриба тўпланган. Шаҳарда ўқувчиларнинг касб танлашлари бўйича кенгашлар тузилган. Ҳар бир корхонада «ўқувчи касб танламоқчи» деган алоҳида бурчаклар бор. Шаҳардаги йирик корхоналар, жумладан, «Узбекхиммаш», «Чирчиксельмаш» заводлари ёшлар учун ўқув комбинатлари қуриб бермоқдалар.

Лекин шу билан бирга КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорида таъкидланганидек, мактаблар фаолиятида жиддий нуқсонлар мавжуд. Мактаб ўқувчиларни юксак ғоявий-ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялаб, уларга таълим беришни ташкил этишнинг, уларни ҳаётга, меҳнат фаолиятига тайёрлашнинг синалган формаси бўлган дарснинг катта имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланмаяпти. Таълим билан тарбиянинг узвий бирлиги принципи кўпинча изчиллик билан амалга оширилмаяпти. Ўрта мактабни битириб чиққан ёшларнинг кўплари меҳнат тайёргарлигига, асосий оммавий касб-ҳунарлар тўғрисида етарли тасаввурга эга эмас. Улар ишга дарҳол киришиб кетолмаяптилар.

Қарорда умумий таълим мактабларида меҳнат тарбияси ва таълимни ҳар томонлама яхшилаш тадбирлари кўзда тутилган. Мактабга яқин жойдаги корхоналар, колхоз ва совхозлардан фойдаланишни ҳисобга олиб, ўқувчиларнинг самарали меҳнат таълими ва касб ўрганиши ташкил этилиши, ҳунар-техника ва ўрта махсус ўқув юртларини комплектлаш практикасини такомиллаштириш, корхоналарнинг ўқув цехлари, мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинатларидан, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадалари ва бошқа меҳнат бирлашмаларидан ҳар томонлама фойдаланиш тавсия этилади. Юқори синфларда меҳнат таълими соатлари икки баравар кўпайтирилади. Мактабларнинг моддий базасини янада мустаҳкамлаш, малакали меҳнат ўқитувчилари тайёрлаш назарда тутилади. Буларнинг ҳаммаси мактабда йигит ва қизларнинг зарур меҳнат кўникмаларни олишига, муайян касбни эгаллашга тайёр туришга қаратилган тадбирлардир.

Мактаб иши —умумхалқ ишидир. Бу фарзандларни билим олаётган ҳар бир ота-онадан, эрта-индин корхонаси, қурилиш майдони, деҳқончилик даласи, чорвачилик фермасига янги кадрларни кутаётган барча хўжалик раҳбарларидан, билимни меҳнат билан қўшиб олиб боришга даъват этилган минг-минглаб ўқитувчилардан ўз ишига янгича муносабатда бўлишни талаб қилади. Қарорда таъкидланганидек, умумий мажбурий ўрта таълимни янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга халқ маорифи органлари, партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотлари, меҳнат коллективларининг куч-ғайратларини йўналтириш керак. Мактабларнинг эҳтиёжларига умумий қизиқиш ва диққат-эътибор вазиятини вужудга келтириш, ўқувчиларнинг ўқув-тарбия жараёнини, меҳнат тайёргарлиги ва касб танлашни ташкил этишда педагогика коллективларига ҳамма чоралар билан ёрдам кўрсатиш лозим.

Совет мактабининг муқаддас вазифаси КПСС XXV съезди белгилаб берган режаларни ва СССР янги Конституцияси қондаларини ҳаётга татбиқ қилишдан, ҳар томонлама баркамол коммунизм қурувчиларини тарбиялашдан иборат.

Ёшларимиз Советлар Ватанининг юксак онгли, меҳнаткаш кишилари бўлиб етишсин!

Гулнора Низомова пойтахтдаги бадиий буюмлар фабрикасининг илғор ишчиси. У шахсий беш йиллик топшириғини 3,5 йилда бажариш мажбуриятини олиб ишламоқда.

М. Нурнддинов фотоси.

БЕШ ЙИЛЛИК ГВАРДИЯСИ

АНАТОЛИЙ ЛАБЗИННИНГ ҲИСОБИ

Тошкент тўқимачилик комбинати иккинчи тўқувчилик фабрикаси мастерининг ёрдамчиси Анатолий Лабзин 700 минг метр газлама топшириб, тўрт йиллик топшириқни бажарди. Анатолий ўтган беш йилликда эришган рекордини такрорлашни хоҳлайди, у ўшанда тўқувчилик ишлаб чиқаришни созловчилари орасида бир ўзигина ўн йиллик нормани бажарган эди. А. Лабзин бундай муваффақиятга меҳнатни юксак даражада ташкил этиш, иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан тежаб-тергаб фойдаланиш туфайли эришганди.

Анатолий Николаевич техникани шу қадар яхши ўрганиб олганки, у таҳминлаб ўтирмай, ўша носоз жойни дарҳол топиб, саноқли минутлар ичида тузатади. Шунинг учун ҳам ускуналар деярли бекор турмайди. Бу ғоят муҳимдир. Чунки Анатолийнинг қўлида 64 комплект станок бор. Бу, тармоқ нормасидан бир ярим баравар кўп. Созлаш ишининг юқори сифати ана шу ускунада ишлайдиган тўқувчи аёллар меҳнат унумдорлигига ҳам таъсир қилмоқда. Г. Салимова, Ю. Салохова смена топшириқларини кунига 105—108 процент қилиб бажармоқда.

Улар айни пайтда газламанинг 99,7 процентини биринчи сортга топширмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ЮҚОРИ Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг III Интернационал участка механизаторлари айни кунларда трактор ҳамда бошқа экиш механизмларини сифатли ремонтдан чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар. Бугунги кунгача кўплаб чопиқ тракторлари кўкламги экиш-тикиш ишларига тахт қилиб қўйилди. Суратда: механизаторлар Э. Аҳмедов, Т. Хусанов ва Е. Бегматов ўртоқлар агрегатларни кўздан кечирмоқдалар.

А. Ахатов фотоси.

КОМСОМОЛ АХБОРОТИ

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

Тошкент шаҳридаги қурилиш саноат корхоналаридаги комсомол-ёшлар москваликларнинг ташаббусига қўшилиб, янада самарали меҳнат қилмоқдалар. Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг мотористраси З. Комилова, Ташсельмаш заводининг ишчиси У. Тошпўлатов, электроаппарат ишлаб-чиқариш бирлашмасининг слесари С. Богданов, Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари Б. Русакевич 11-висотстрой қурилиш трестининг З. Ашуров бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси коллективи москваликлар ташаббусига қўшилиб, СССР янги Конституциясининг бир йиллигигача уч йиллик топшириқни бажаришга сўз берган эдилар. Бу илғорлар меҳнат вахтасида барчага намуна бўлмоқдалар. Ташаббусга қўшилаётганларнинг сафи кенгайиб бормоқда.

ЛЕНИН КОМСОМОЛИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

Ангрен шаҳри комсомол-ёшлари ВЛКСМнинг 60 йиллиги олдидан социалистик мусобақани қизитиб, зафар кетидан зафар қучмоқдалар. Шаҳар комсомол комитети «ВЛКСМ 60 йиллигига — юксак самарадорлик, аъло сифат, революцион шижоат ва юксак маданият учун» шиори остида ёшларнинг эстафетасини ўтказишга қарор қилди. Эстафета 1978 йилнинг январидан октябригача уч босқичда ўтказилади. Биринчи босқич: Узбекистон комсомолининг XXI съезди, иккинчиси ВЛКСМнинг XVIII съезди, учинчиси Ленин комсомолининг 60 йиллигига бағишланади.

Шаҳар комсомол ёшлари бу саналарни меҳнатда, маданий ҳаётда муносиб совғалар билан кутиб олиш мақсадида катор тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга оширмоқдалар.

ЗАРБДОР МЕҲНАТ БИЛАН

Янгийўл шаҳар поёфзал фабрикасининг комсомол-ёшлари «Зарбдор меҳнатимиз— ВЛКСМ XVIII съездига» шиори остида социалистик мусобақани қизитиб бормоқдалар. Комсомол-ёшлар коллективлари, шунингдек ҳар бир комсомолёш ана шу анжуман шарафига оширилган социалистик мажбурият қабул қилишди.

Узаро социалистик мусобақада 4-цехнинг Л. Овчинникова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси карвонбошилик қилмоқда. Бу бригаданинг кўпгина ишчилари келаси йил ҳисобига тер тўкмоқда. Жумладан ишчи Л. Асанова 1979 йилнинг январь ойи ҳисобига маҳсулот топширмоқда. У ВЛКСМ XVIII съезди очиладиган кунгача беш йилликнинг тўрт йилига белгиланган шахсий топшириғини знёдаси билан адо этишга сўз берди.

Корхонанинг шу каби илғор ишчиларидан Б. Мирҳамидова, Д. Ҳатамқуловалар 1978 йил 25 апрелигача уч ярим йиллик нормани бажариш учун курашмоқдалар.

САМОЛЁТСОЗЛАР МАРРАСИ

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ, ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1978 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирди ва давлат планини бажаришда катта муваффақиятларга эришди. Беш йиллик икки йилининг ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш топшириғи 12,8 процент ва меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи 8,9 процент ошириб бажарилди. Юбилей йилида ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ўстириш юзасидан берилган план 19 декабрда бажарилди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархи анча камайди, олинган фойда 1,5 миллион сўм кўпайди.

Бирлашма меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленумининг қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган хулосалар ва қоидаларга амал қилиб, ўзларининг бутун куч-ғайратларини фан-техника тараққиётини янада кучайтиришга, меҳнатнинг иқтисодий самарадорлиги ва сифат натижаларини оширишга сафарбар қилмоқдалар. Бирлашма коллективи Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятни олади:

Беш йиллик уч йилининг ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулотни реализация қилиш топшириғини 7 ноябргача бажарамиз, 1978 йилда ишлаб чиқариш ҳажмини планда белгиланган 9,8 процент ўрнига 10,4 процент, меҳнат унумдорлигини эса топшириқда мўлжалланган 8,6 процент ўрнига 9,3 процент кўпайтирамиз. Маҳсулот таннархини 10,6 процент камайтирамиз. Пландан ташқари камида 100 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ва хўжалик буюмлари тайёрлаймиз.

Ишлаб чиқариш қувватларидан, материал, молия ва меҳнат ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишни таъминлаймиз, хусусан программавий бошқарадиган станоклар бўйича асосий технология машиналарини алмаштириш коэффициентини оширамиз. Кўп станокка хизмат кўрсатишни кенг жорий этамиз ва кўп станокчилар сонини 500 кишига етказамиз.

Ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва кам капитал маблағ сарфлаб, маҳсулотнинг сифатини ошириш юзасидан партия ўртага қўйган вазифани ҳал эта бориб, жами саҳни сал кам 20 минг квадрат метр келадиган ишлаб турган цехлар ва участкаларни реконструкция қиламиз, механизациялаштирилган 18 та омбор қурамиз, юкларни ташиш учун унификация қилинган, контейнерлар тайёрлаш технология линиясини, программавий бошқарадиган 55 та станокни ишлаб чиқаришга жорий этамиз, рақамли программа билан бошқариладиган станокларда фрезерлар ишлаш ҳажмини камида 60 процентга етказишни таъминлаймиз, пайвандлаш ишларини механизациялаш даражасини 63 процентга етказамиз. Корхонани бошқаришнинг автоматлаштирилган системасини янада такомиллаштирамиз. Электрон ҳисоблаш машинаси негизида оператив-календарь планлаштириш, технология жараёнларини бошқариш ва маҳсулотнинг сифатини бошқариш юзасидан қўшимча равишда 55 программани ишлаб чиқамиз ва жорий этамиз. Ана шу тадбирларнинг ҳаммасини бажариш йўли билан самолётлар ишлаб чиқариш учун меҳнат сарфини 13 процент камайтирамиз. Халқ истеъмол қиладиган асосий молларнинг ҳаммасини давлат Сифат белгисини олиш учун аттестациядан ўтказишни тугаллаймиз.

Ишчилар, инженер-техник ходимларнинг ва хизматчиларнинг куч-ғайратини машина ускуналар ва прогрессив технология жараёнларининг тежамли режимларини жорий этишга сафарбар қилиб, бирлашма ходимлари бир йил ичида 270 тонна қора ва рангли металлни, камида 5 миллион киловатт соат электр энергиясини, 600 тонна шартли ёқилғини тежаш, иқтисод қилиш ва рационализаторлик таклифлари ҳамда ихтиролларини жорий этиш йўли билан камида 1,8 миллион сўмни тежаш мажбуриятини олдилар.

Бирлашманинг социал ривожланиш комплекс планини амалга ошира бориб, бирлашма ишчиларидан 15 процентининг малакасини оширамиз ва уларга иккинчи касбни ўргатамиз, асосий ҳунар-техника билим юртларида ва бирлашманинг таълим ишлаб чиқариш цехида камида 900 ёш ишчи тайёрлаймиз, ишлаб чиқаришнинг маданияти ва эстетикасини юксалтириш соҳасидаги тадбирларни амалга оширамиз. Камида минг оиланинг уй-жой шароитини яхшилаймиз, болалар учун мўлжалланган иккита комбинатни ишга тушурамиз, пансионатларни, дам олиш зоналари ва пионер лагерларини кенгайтириш ҳамда обод қилиш соҳасидаги ишларни давом эттирамиз.

КПСС ленинчи Марказий Комитетини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтириб айтамизки, бирлашманинг барча ходимлари ўзларининг бутун куч-ғайратлари ва ижодий ташаббусини олинган социалистик мажбуриятларни бажаришга сарф қиладилар, СССР янги Конституцияси қабул қилинган куннинг бир йиллигини меҳнат зафарлари билан нишонлайдилар ва бу билан КПСС XXV съезди қарорларини бажаришга муносиб ҳисса қўшадилар.

БУ МАЖБУРИЯТЛАР В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЦЕХ ВА КОРХОНАЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШЛАРИДА МУҲОКАМА ЭТИЛИБ, ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

ИНФОРМАЦИОН АХБОРОТ МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ область партия комитети Сиёсий маориф уйида пропагандистлар ва оғзаки агитация кадрлари учун информацион ахборот маркази ташкил қилинди.

Идеология ходимлари, тарғиботчилар бу ерда мамлакатимизда Совет ҳокимияти йилларида халқ хўжалигига капитал маблағ сарфлаш, саноатда меҳнат унумдорлигининг ошиши, қишлоқ хўжалиги асосий тармоқларида маҳсулот етказишнинг ўсиши, совет кишилари маълумот даражасининг юксалиши, уй-жой қурилишнинг ривожланиши ва бошқа кўп масалаларга доир қизиқарли маълумотлар билан танишишлари мумкин. Информацион ахборот марказидаги кўпгина маълумотлар иқтисод ва тежамкорлик масалаларига бағишланган.

Информацион ахборот маркази идеология ходимларини халқ хўжалигига оид керакли маълумотлар билан системали равишда таъминлаб туради.

Ш. ТУЛАГАНОВ,
область партия комитети сиёсий маориф уйининг консультанти.

ОИЛА БАХТИ

Она деган биргина сўз замида чуқур маъно ётади. Бу аёллик бурчини шараф билан ўтай олган, фарзандларини элга муносиб қилиб тарбиялаган инсонларга берилувчи муқаддас ҳаёт муҳридир.

Қуйбишев номли колхозда истиқомат қилувчи Турсуной ая Сариқулова ана шундай бахтга муяссар бўлган инсон. У коллективлаштириш даврининг машаққатлари, Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги вайроналарни тиклаш пайтидаги совет кишиларининг мардлик ва матонати гувоҳи. Мамлакат ичкарисидаги меҳнат иштирокчиларидан биридир.

Турсуной ая ҳозир ўз ҳаётидан беҳад мамнун. Унинг 12 фарзанди ҳозир вояга етиб, ҳалол меҳнати билан эл олқишини олишмоқда. Тўнғич фарзанди Абдуғани шофер, Маҳфуза ўқитувчи, Ҳикматулла эса студент. Қолганлари ҳам турли-касб ҳунар эгаллашиб, юрт маъмурчилиги йўлида меҳнат қилишяпти.

Бу серфарзанд хонадон аъзолари замонавий типда қурилган 6 хонали уйда истиқомат қилишади. Оила бошлиқлари Матқаюм ака ва Турсуной опалар ўғил-қизларини жамиятимизга муносиб қилиб тарбиялаганликларидан хурсанд.

П. ЭРГАШЕВ,
Оққўрғон райони.

МАҲАЛЛА ИШЛАРИ ТУЗАЛМОҚДА

Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов районига қарашли Мустаҳкам маҳалласида ишлар анча вақтдан буён жуда аянчли ҳолда эди. Ўтган йили бу ерда маҳалла комитети янгидан сайланди ва қатор кўзга кўринарли тадбирлар амалга оширила бошланди. Хусусан, маҳалла комиссияси ҳузурида маданият ва халқ маорифи, хотин-қизлар билан ишлаш санитария, халқ дружинаси, соғлиқни сақлаш, зиёлиларни ташкилий ишларга жалб этиш, тўй ва маросимларни ўтказиш бўйича 7 та секция ташкил этилди. Шу қуйларда бу секциялар ёрдамида маҳалла клубида бир неча суҳбатлар ўтказилди.

Р. БЕКМУҲАМЕДОВ.

ТОШКЕНТДАГИ агрегат заводида СССР Конституциясининг бир йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа тобора авж олаяпти. Унда иштирок этаётган айрим ишчилар меҳнатда яхши кўрсаткичларга эришишяпти. Сиз ушбу суратда кўриб турган Раиса Шохобиддинова ҳам ана шундай илғорларнинг бири. Моҳир фрезерчи шу кунларда келгуси йил ҳисобига ишлаяпти.

А. Тўраев фотоси.

* * *

БЕКОБОД районидаги Ленин номли колхозда ҳашаматли клуб қурилмоқда. Унинг биносида 600 ўринли кино-концерт зали, кутубхона, қироатхона, рассомчилик студияси ҳамда турли хил тўгараклар учун хоналар бўлади. Суратда: колхоз правленнеси аъзоси Оқбўта Деҳқонов (чапда) ва прораб Зиёдулла Турсунов қурилишнинг боришини муҳокама қилмоқдалар.

А. Авазов ва **Р. Шагаев** фотоси.

(ЎзТАГ).

ЧЕВАР ОПА-СИНГИЛЛАР

Февзия ёшлигиданоқ шу касбни эгаллашга дилига тугиб қўйган эди. Орзуси уни Тошкентдаги политехника техникумига етаклади. Устозларидан дастлабки маҳорат «сир»ларини ўрганди. Бир неча бор талабалар ўртасида хушбичим либосларини тикиш бўйича ўтказилган мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади.

1971 йилдан у Олмазордаги маиший хизмат кўрсатиш уйида меҳнат қила бошлади. Унинг эришаётган ютуқлари сингиллари Шаиде ва Шукуреларда ҳам бу касбга қизиқиш уйготди. Бирин-кетин улар ҳам опалари ўқиган техникумни муваффақиятли битиришди.

Уч опа-сингил шундан кейин меҳнатда ўзаро мусобақалашиша бошлашди. Натижада ҳар бири ойлик ва квартал планларини 110—120 процент қилиб ада этишди. Шаиде Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг голиби бўлди. Ҳар уччаласи ҳам зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини Октябрь байрамининг 60 йиллик юбилейи арафасида бажариб, қутлуғ кунни қувонч билан нишонладилар.

Опа-сингил Қутбидиновалар ишлаётган коллективда илғор чеварлар кўплаб топилади. Комсомол аъзолари Дания Шарипова, Шоира Қутбиддинова ва Мастура Ҳакимовалар ана шундай ёшлар жумласидандир.

А. ОРИПОВ,
Чиноз райони.

СУҲБАТЛАР ТЕМАТИКАСИ

ПОЙТАХТ области меҳнаткашлари барча совет кишилари қатори 1977 йилни катта сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги билан якунладилар. Беш йилликнинг ҳар бир йили сингари ўтган йил ҳам коммунистик қурилишда қиладиган олға ҳаракатимизда яна бир ёрқин саҳифа бўлди. Шу йили Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги нишонланди, СССР янги Конституцияси қабул қилинди.

Буларнинг ҳаммаси давлат топшириқларини барвақт бажариш, меҳнат унумдорлиги ўсишини таъминлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, моддий ресурслардан тежабтергаб фойдаланиш, ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлигини ошириш учун бошланган юбилей социалистик мусобақасини янада авж олдириб юборди. Янгидан-янги ташаббуслар кенг қулоч ёйди.

Область саноат корхоналарининг коллективлари юбилей йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун мусобақалашиб, маҳсулот реализация қилиш ҳамда буюмлар энг муҳим турларининг кўпчилигини ишлаб чиқариш бўйича йиллик планни муддатидан илгари 22 декабрда бажардилар. Йил охиригача плондан ташқари неча ўнлаб миллион сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланди.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳам катта ютуқларга эришдилар. Давлатга пахта, дон, канап толаси, мева, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари топшириш бўйича халқ хўжалик планлари ва социалистик мажбуриятлар муддатидан аввал адо этилди. Областимизда саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилган ютуқлар, камчиликлар ҳамда 1978 йил вазифалари тўғрисида область партия комитетининг пленумида сўз борди (область газеталарининг 24 декабрь сони).

Эндиликда партия ташкилотлари, сиёсий докладчилар, сиёсий ахборотчилар ва агитаторлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети декабрь (1977 йил) Пленумидаги нуткини область меҳнаткашларига кенг тушунтиришмоқдалар. Мазкур нуткда халқ хўжалигимизни иктисодий ва социал жиҳатдан ривожлантиришнинг энг муҳим долзарб масалалари атрофлича таҳлил қилинди, бундан бўёнги ишларимизнинг кенг программаси аниқ белгилаб берилди, КПСС XXV съезди қарорларини янада муваффақиятли амалга ошириш, 1978 йил топшириқларини бажаришнинг асосий йўллари кўрсатиб берилди.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда қилган нуткидаги хулоса ва қоидалар ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш ва иш сифатини яхшилашнинг жанговар программасидир. Меҳнат коллективларида ўтказилаётган суҳбатлар, сиёсий ахборотлар ана шу масалаларни тушунтиришга қаратилиши лозим. Бу соҳадаги ишлар юбилей социалистик мусобақаси даврида вужудга келган меҳнат кўтаринкилиги ва маромини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, 1978 йилни зарбдор, самарадор меҳнат йилига айлантиришга кўмаклашмоғи даркор.

Шу мақсадда суҳбат ўтказишда «Партия режалари — ҳаётга» мақоласидан («Правда»нинг 18 декабрь сонидаги бош мақоласи, республика, область газеталарининг 20 декабрь сони) фойдаланиш керак.

Январь ойида инструктив семинар ўтказиш учун қуйидаги мақолалардан фойдаланинг:

Тарбия иши самарадорлигини юксалтиришнинг ишончли йўли («Ўзбекистон коммунисти», 12-сон, 47—54-, «Политическое самообразование», 12-сон, 112—117-betлар).

ОҒЗАКИ СИЁСИЙ АГИТАЦИЯ КАДРЛАРИГА ЁРДАМ

Ғоявий эътиқоднинг кучи («Правда Востока», 23 декабрь сони).

В. И. Ленин сиёсий агитация тўғрисида. («Ўзбекистон агитатори» 23-сон, 17—20-betлар).

Январь ойида суҳбатлар ўтказиш учун қуйидаги материаллардан фойдаланиш тавсия этилади:

МАМЛАКАТ ИЧКИ СИЁСИЙ ҲАЁТИ

КПСС Марказий Комитети декабрь [1977 йил] Пленумининг материаллари. СССР Олий Совети VIII сессиясининг материаллари. (Марказий, республика ва область газеталарининг 14—17 декабрь сонлари).

Ўзбекистон КП Марказий Комитети VIII Пленумининг материаллари. Ўзбекистон ССР Олий Совети V сессиясининг материаллари. (Республика, область газеталарининг 20—23 декабрь сонлари).

Л. И. Брежневнинг «Правда» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари. («Правда»нинг 24, республика газеталарининг 25, область газеталарининг 27 декабрь сонлари).

Совет жамиятининг рахбар ва йўналтирувчи кучи. (КПСС МК журнали «Партийная жизнь», 23-сон, 23—32-betлар).

Ягона совет халқи. («Ўзбекистон коммунисти», 12-сон, 55—64-betлар).

Икки дунё — икки хил Конституция. («Агитатор», 24-сон, 18—20; «Ўзбекистон агитатори» 22-сон, 25—28, 23-сон; 26—29-betлар).

Гражданлик масъулияти. («Агитатор», 23-сон, 2—4-betлар).

Совет халқига Янги йил табриги («Правда» газетасининг 1 январь сонидаги бош мақоласи).

КПСС иқтисодий сиёсатининг илмий негизи. («Политическое самообразование», 12-сон, 25—33-betлар).

Социалистик экономиканинг дадил одими («Мировая экономика и международные отношения» 11-сон, 145—159-betлар).

Бизнинг шаҳарларимиз. Рақамлар ва фактлар («Агитатор», 24-сон, 46—47-betлар).

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни самарадорлигини оширишнинг йўллари («Ўзбекистон коммунисти», 12-сон, 31—39, «Политическое самообразование, 12-сон, 50—58, «Агитатор», 23-сон, 30—33-betлар).

Ватанни меҳнат билан шарафлаймиз. («Партия турмуши», 12-сон, 56—59-betлар).

Чорвадорларнинг шон-шараф иши. («Агитатор», 24-сон, 15—17-betлар).

Асосий ишлаб чиқариш фондлари. Рақамлар ва фактлар. («Агитатор», 24-сон, 47—48-betлар).

МАМЛАКАТ МАДАНИЙ ҲАЁТИ

Театр ва жаҳон («Коммунист», 17-сон, 118—128-betлар.

Илм олишга буюк ҳуқуқ. («Ўзбекистон агитатори», 23-сон, 14—16-betлар).

Коммунизм ёш бунёдкорларини тарбиялаш — партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаси. (КПСС МК журнали «Партийная жизнь», 24-сон, 11—23-betлар).

Билим ва амалиёт бирлиги— («Коммунист», 18-сон, 32—58-betлар).

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

Социализм дунёсининг тарихий ютуқлари («Политическое самообразование», 12-сон, 34—49-betлар).

СССР ташқи сиёсатининг конституцион негизи («Коммунист», 17-сон, 107—117-betлар).

КПСС халқаро майдондаги сиёсатининг синфий, гуманистик характери. («Политическое самообразование», 12-сон, 88—96-betлар).

Бойлар ва камбағаллар. Рақамлар ва фактлар. («Агитатор») 24-сон, 48-бет).

Маочилар —антикоммунизмнинг ошкора кўмакчилари. (КПСС МК журнали «Партийная жизнь», 24-сон, 69—73-betлар).

Сохта коммунизмни марксча-ленинча танқид қилишнинг муҳимлиги («Коммунист», 18-сон, 103—114-betлар).

Вена музокараларининг тўрт йили. («Мировая экономика и международные отношения» 11-сон, 102—119-betлар).

ЭСЛАТМА: Суҳбатга тайёрланишда вақтли матбуот материалларидан, маҳаллий мисоллар ва рақамлардан фойдаланиш лозим.

АДАБИЁТИМИЗ ТАРИХИНИНГ ОЛМОС ҚИРРАЛАРИ

ТАҚРИЗ

Яқинда профессор Ғ. Каримовнинг «Халқ, тарих, адабиёт» деб номланган мақолалар тўплами Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этилди. Бу китобга ўзбек адабиёти масалалари, унинг атоқли намояндалари ижоди, шунингдек, адабий алоқаларимизнинг муҳим ҳодисалари ҳақидаги тадқиқотлари киритилган.

Тўплам В. И. Ленининг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» асарининг 60 йиллиги муносабати туфайли ёзилган мақоласи билан очилади. Муаллиф мақолада В. И. Ленининг бу асари хусусида муфассал тўхталиб, ҳозирги кунимизда ҳам ўз актуаллигини йўқотмай, империализмнинг ғоявий асосларига зарба беришда ҳамон дастурул амал бўлиб келаётганлигини очиб беради. Капитализм дунёсининг ҳозирги замон шароитида санъат ва адабиёт соҳасида авж олиб кетган модернизм, формализм каби реакцион назариялари ва буларга қарши кураш олиб боришда В. И. Ленининг бу таълимоти катта практик аҳамият касб этаётганлиги таъкидлаб ўтилади. Шунингдек, бу асар В. И. Ленин яратган умумий, фалсафий таълимот билан боғланган ҳолда, унинг санъат, адабиёт ҳақидаги ғоялари, фикрлари билан, хусусан, унинг адабиётда халқчиллик, реализм, традиция ва новаторлик, маданий меросга муносабат каби масалалардаги таълимоти билан алоқадор ҳолда ўрганиш ва текшириш кераклиги уқтирилади.

«В. И. Ленининг маданий мерос ҳақидаги таълимоти ва ўзбек адабиёти тарихининг баъзи масалалари»га доир мақоласида эса, маданий меросга доир айтилган доҳиёна башоратларнинг ўзбек адабиётшунослигига тадбиқ қилиб текширилиши китобнинг илмий салмоғини оширишга ёрдам берган. Автор ўзбек совет адабиётшунослиги В. И. Ленининг маданий мерос ҳақидаги таълимотига изчил амал қилиши давомида жуда қисқа вақт ичида болалик ва ўсмирлик даврида ўтиб, балоғат босқичи даражасига кўтарилганлигини эътироф этгани ҳолда, ҳали бу соҳада қилиниши лозим бўлган ишлар, кечиктириб бўлмайдиган вазифалар мавжуд эканлигини ҳам таъкидлайди. Дарҳақиқат, автор кўрсатиб ўтганидек, маданий меросимиз таҳлилига доир айрим тадқиқотлар бир ёқлама, ёки юзаки ёритилмоқда. Бадиий асарни социологик схемалар доирасида чеклаб қўйиш каби вульгар социологизм усулининг қолдиқлари баъзан кўринаётган ҳолдаги, ҳатто ҳаётнинг бурилиш нуқталари, халқ босиб ўтган тарихий йўлнинг асосий босқичлари асос қилиб олиниши ва ниҳоят адабий ҳаётда муҳим ҳодиса бўлиб туғилган адабиётнинг бадиийят соҳасидаги тараққиётида янгилик яратган фактларига қараб ҳукм чиқариш керак, деб ҳисоблайди. Шу принципларга асосланиб, ўзбек адабиёти тарихини даврлаштириб чиқади. Даврлаштиришда адабиёт тарихини сиёсий давлатлар ҳукмронлигига, сулолаларга ёки асрларга қараб эмас, балки унинг тараққиёт босқичларига, адабий ҳаётнинг мазмуни ва бадиий хусусиятларига, унинг ғоявий ва бадиий такомил йўлига қараб белгилайди.

Ғ. Каримовнинг реализм масаласига доир мақоласи айниқса қизиқарлидир. Бу масалага атрофлича тўхталиб, турлича талқиннлар билан баҳс этади.

Муаллифнинг кўрсатишича, ўзбек адабиётида реализмнинг туғилиши XIV—XVI асрларга тўғри келади. Чунки худди шу даврда илк бор «инсон» адабиётнинг асосий предметига айланган. Реализм масаласини ҳал этишда реализмнинг асосий ва дастлабки белгиси бўлган типик шароитда типик характерлар яратиш деган машҳур марксистик формулага амал қилади ва бу масалаларни Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар каби классик шоирларнинг ижодий методини текшириш орқали белгилайди.

Тўпламдан ўрин олган Фурқат биографияси, Муқимий ижодий фаолиятига оид мақолалар ҳам таҳлили, янги фактларга бойлиги билан аҳамиятлидир. Айниқса, қолдирган ижодий меросининг ҳажми жиҳатидан ҳам, адабиётимиз, маданиятимиз олдидаги хизматлари ниҳоят, шахсий иқтидори, бадиий таланти жиҳатидан ҳам Алишер Навоий ва Бобирдан кейинги мавқеи эгаллаган Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг ҳаёти ва ижодига доир Субутой Долимов билан ҳамкорликда ёзилган мақола таҳсинга молликдир.

Огаҳийнинг тарихий хроник темада яратган асарларининг адабий аҳамияти ҳақида фикр юритилиб, уларнинг негадир ҳозиргача нашр қилинмай келиниишига қарши баъзи эътирозлар ўртага ташланади. Қайд этилганидек, шоир Огаҳийнинг мероси яна ҳам чуқурроқ ва ҳар томонлама ўрганилишга лойиқдир. Огаҳийнинг 12 та катта таржима асарлари саналиб, шоирнинг таржимон сифатидаги маҳорати, таржимачилик санъатидаги ўзига хос йўли каби бу соҳанинг адабий-тарихий ва умумий назарий масалалари устида ҳам текширишлар олиб борилиши зарур деб топилади.

Тўпламдаги мақолаларнинг бири Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини рус шарқшунослигида ўрганилишига бағишланган. Муаллифнинг иқрор қилиб кўрсатишича, Навоий асарларининг илк тадқиқоти XVI асрнинг ўрталаридан бошлаб то ҳозирги кунимизгача давом этиб келаётир. Бу борада айниқса, рус шарқшунослигининг пешқадам вакиллари Н. И. Веселовский, В. В. Радлов, Семенов, Тяншанский, В. В. Бартольд, И. Ю. Крачковский, Е. Э. Бертельс, А. А. Семеновларнинг Навоий ижоди ва фаолияти ҳақида ёзган илмий рисолалари диққатга сазовордир.

Тўплам охирида муаллиф ўз тадқиқотини машҳур ҳинд маслаллар тўплами «Калила ва Димна» ва унинг ўзбекча версияларини текширишга қаратади. Мақолада илмий хулосалардан аниқланишича, «Калила ва Димна»нинг ўзбекча қадим тажрибаси XIII асрдаёқ Ифтихориддин Муҳаммад Бакрий деган шахс томонидан бажарилган.

Биз муҳтарам олим мақолаларидаги фазилатларни тасдиқлаган ҳолда айрим қайд ва эътирозларимизни билдириб ўтмоқчимиз. Масалан, «Ўзбек классик адабиётининг баъзи назарий масалалари» мақоласида Ф. Энгельс, М. Горькийларнинг реализмга доир айтган умумий баҳоларидан келиб чиқиб, ўзбек адабиётининг ижодий методи реализмдир, дейилади. Аммо шундай деб аташга асос берадиган фактлар етарли келтирилмаган. Шунингдек, мақолаларнинг жуда кўп ўринлари стилистик жиҳатдан таҳririга мухтож. Айрим жумлалардаги айниқса, боғловчи сўзлар, истисносиз тўрт-беш маротаба такрорланади. Баъзан архаизмга учраган инкшоф, муташаккил, маншаида мақбул, маъҳаз каби сўзлар такрор қўлланганки, бу сўзларнинг луғовий маъносини ва контекстдаги фикрни тўлалигича тушунишда китобхонда маълум қийинчиликлар туғилади. Албатта, бу жузъий камчиликлар тўпламнинг умумий қийматини пасайтира олмайди.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими.

УНВОН МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЯШОВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан ортиқ болани туғиб тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилсин ва уларга «Қаҳрамон она» ордени ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг Ёрлиқлари топширилсин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БУЙИЧА

1. **Абдазова** Қумриниса — Охунбобоев номли колхоз аъзоси, Ўрта Чирчиқ райони.
2. **Абдухолиқова** Ойшахон — «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхоз аъзоси, Бўстонлиқ райони.
3. **Абдуллаева** Турсун — уй бекаси, Оржоникидзе райони.
4. **Абсатторова** Насиба — «Ленин йўли» колхозининг аъзоси, Ўрта Чирчиқ райони.
5. **Агмонова** Бибраби — уй бекаси, Чиноз райони.
6. **Азимова** Нарзиниса — уй бекаси, Ангрен шаҳри.
7. **Алехулова** Мария — «Северний маяк» колхози аъзоси, Ўрта Чирчиқ райони.
8. **Алибоева** Турсун — Дзержинский номли колхоз аъзоси, Бекобод райони.
9. **Алибекова** Гулданой — «Қизилту» колхози аъзоси, Бўстонлиқ райони.
10. **Алибекова** Муҳаббат — Свердлов номли колхоз аъзоси, Қуйи Чирчиқ райони.
11. **Алимова** Қумириниса — уй бекаси, Юқори Чирчиқ райони.
12. **Алланазарова** Ортиқ — Ленин номли колхоз аъзоси, Бекобод райони.
13. **Анорбоева** Райҳон — Калинин номли совхоз ишчиси, Қуйи Чирчиқ райони.
14. **Орипова** Саида — уй бекаси, Ўрта Чирчиқ райони.
15. **Асанова** Ҳадича — Ким Пен Хва номли колхоз аъзоси, Ўрта Чирчиқ райони.
16. **Атнева** Анор — уй бекаси, Янгийўл райони.
17. **Аширбоева** Қурбонгул — 1-«Пискент» совхози ишчиси, Пискент райони.
18. **Аширова** Қумуш — «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози ишчиси, Қуйи Чирчиқ райони.
19. **Ашурова** Ортиқой — Дзержинский номли колхоз аъзоси, Бекобод райони.
20. **Ашурова** Умуржон — уй бекаси, Бўстонлиқ райони.
21. **Бегимқулова** Розия — 1-«Пискент» совхози ишчиси, Пискент райони.
22. **Бекназарова** Элигой — уй бекаси, Оққўрғон райони.
23. **Бердибекова** Энагул — Навоий номли колхоз аъзоси, Бекобод райони.
24. **Бобоева** Холбуш — 2-«Далварзин» совхози ишчиси, Бекобод райони.
25. **Буртебоева** Гулсара — «Москва» колхози аъзоси, Қуйи Чирчиқ райони.
26. **Воҳидова** Меҳри — Киров номли совхоз ишчиси, Қуйи Чирчиқ райони.
27. **Дадаева** Омон — 2-«Пискент» совхози ишчиси, Пискент райони.
28. **Жиянбоева** Ойша — уй бекаси, Бўстонлиқ райони.
29. **Жўраева** Норсулув — Дзержинский номли колхоз аъзоси, Бекобод райони.
30. **Дўсматова** Ҳикмат — 2-«Далварзин» совхози ишчиси, Бекобод райони.
31. **Досимова** Бўтакўз — уй бекаси, Чиноз райони.
32. **Дўнгбоева** Ойлар — 1-«Пискент» совхози ишчиси, Пискент райони.
33. **Дўндиева** Норпоч — Фрунзе номли колхоз аъзоси, Янгийўл райони.
34. **Ералиева** Сулухон — уй бекаси, Калинин райони.
35. **Зокирова** Ойниса — уй бекаси, Қуйи Чирчиқ райони.
36. **Зубанрова** Гулжон — «Огонёк» совхози ишчиси, Қуйи Чирчиқ райони.
37. **Имомалиева** Ҳожира — Ҳ. Турсунқулов номли колхоз аъзоси, Янгийўл райони.
38. **Исоқова** Саида — ишчи, Қуйи Чирчиқ райони.
39. **Исломова** Мая — уй бекаси, Пискент шаҳри.
40. **Исмонлова** Соттиниса — уй бекаси, Чиноз райони.
41. **Эшонқулова** Мукаррам — уй бекаси, Ўрта Чирчиқ райони.
42. **Эшматова** Ҳадича — 2-«Далварзин» совхози ишчиси, Бекобод райони.
43. **Қолжигитова** Хайитгул — Ким Пен Хва номли колхоз аъзоси, Ўрта Чирчиқ райони.
44. **Қорабоева** Оққиз — уй бекаси, Оққўрғон райони.
45. **Қорабоева** Эргашой — «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози ишчиси, Қуйи Чирчиқ райони.
46. **Қорабекова** Олия — 3-«Далварзин» совхози ишчиси, Бекобод райони.
47. **Қосимова** Ҳолниса — уй бекаси, Янгийўл райони.
48. **Кўчқорова** Моҳниса — Димитров номли колхоз аъзоси, Қуйи Чирчиқ райони.
49. **Қушбоева** Бойма — уй бекаси, Бекобод райони.
50. **Мавлонова** Жамила — 1-«Пискент» совхози ишчиси, Пискент райони.
51. **Мавлюдова** Шайзор уй бекаси, Янгийўл райони.
52. **Мамадалиева** Хосият — 4-«Далварзин» совхози ишчиси, Бекобод райони.
53. **Мамбетова** Роҳила — «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози ишчиси, Қуйи Чирчиқ райони.
54. **Махатова** Муборак — «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози, Пискент райони
55. **Мелибоева** Меҳриниса — Ленин номли колхоз аъзоси, Бекобод райони.
56. **Меметова** Фотима — уй бекаси, Оржоникидзе райони.
57. **Мирзакаримова** Муҳаррам — уй бекаси, Бекобод райони.
58. **Мирзақулова** Қорақиз — С. Раҳимов номли совхоз ишчиси, Оҳангарон райони.
59. **Мирзааҳмедова** Иноят — Свердлов номли колхоз аъзоси, Пискент райони.
60. **Мирзааҳмедова** Малика — Карл Маркс номли колхоз аъзоси, Ўрта Чирчиқ райони.
61. **Мирзуфарова** Дилбар уй бекаси, Юқори Чирчиқ райони.
62. **Муротова** Ҳалима — хизматчи, Оржоникидзе райони.
63. **Мусаева** Жамила — 1-«Пискент» совхози, Пискент райони.
64. **Набиева** Шаҳодат — Охунбобоев номли колхоз аъзоси, Ўрта Чирчиқ райони.
65. **Назарқулова** Ҳайриниса — «Коммунизм» колхози аъзоси, Бекобод райони.
66. **Назарова** Умри — уй бекаси, Оржоникидзе райони.
67. **Норматова** Қумри — уй бекаси, Калинин райони.
68. **Насриддинова** Тасбике — уй бекаси, Чиноз райони.
69. **Норбўтаева** Салом — уй бекаси, Юқори Чирчиқ райони.
70. **Нуриддинова** Раҳима — «Москва» колхози аъзоси, Чиноз райони.
71. **Нуфарова** Юлдузхон — «Коммунизм» совхози ишчиси, Қуйи Чирчиқ райони.
72. **Рубдуллаева** Турди — уй бекаси, Юқори Чирчиқ райони.
73. **Содиқова** Турсун — «Ленинизм» колхози аъзоси, Оққўрғон райони.
74. **Содиқова** Муҳаббат — хизматчи, Оҳангарон райони.
75. **Саидбекова** Ҳадича — Қуйбишев номли колхоз аъзоси, Оққўрғон райони.
76. **Саиджашарова** Тожинор — «Ленинизм» колхози аъзоси, Бўка райони.
77. **Султонова** Ҳайри — уй бекаси, Янгийўл райони.
78. **Тожибоева** Мастура — «Оққўрғон» совхози ишчиси, Оққўрғон райони.
79. **Тожибоева** Ўғилжон — уй бекаси, Янгийўл райони.
80. **Тожиқориева** Ҳуриниса — уй бекаси, Янгийўл райони.
81. **Тошева** Лазокат — Охунбобоев номли колхоз аъзоси, Пискент райони.
82. **Туронова** Гулсара — Калинин номли совхоз ишчиси, Қуйи Чирчиқ райони.
83. **Туронова** Қаршигул уй бекаси, Бекобод райони.
84. **Тургунбоева** Ҳури — уй бекаси, Юқори Чирчиқ райони.
85. **Турдибоева** Аширгул — Димитров номли колхоз аъзоси, Қуйи Чирчиқ райони.
86. **Турсунқулова** Яхшигул — уй бекаси, Оҳангарон райони.
87. **Умарова** Потима — ишчи, Қуйи Чирчиқ райони.
88. **Умирова** Лазокат — хизматчи, Бўка райони.
89. **Уришанова** Памбух — уй бекаси, Янгийўл райони.
90. **Усанова** Инобат — «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози ишчиси, Қуйи Чирчиқ райони.
91. **Усарова** Дилбар — 1-«Далварзин» совхози ишчиси, Бекобод райони.
92. **Усарова** Ойина — 4-«Далварзин» совхози ишчиси, Бекобод райони.
93. **Усеркулова** Зейнаб — «Қизилту» колхози аъзоси, Бўстонлиқ райони.
94. **Хатамова** Асалбиби — уй бекаси, Ангрен шаҳри.
95. **Хожимуротова** Хосият — 4-«Далварзин» совхози ишчиси, Бекобод райони.
96. **Худойқулова** Улуғ — «Партия XIX съезди» колхози аъзоси, Бўка райони.
97. **Хўжамқулова** Уркин — Фрунзе номли колхоз аъзоси, Янгийўл райони.
98. **Шодмонова** Саври — Свердлов номли колхоз аъзоси, Қуйи Чирчиқ райони.
99. **Шакарбоева** Барчин — уй бекаси, Чиноз райони.
100. **Шораҳимова** Манзура — уй бекаси, Бўстонлиқ райони.
101. **Шохобова** Зулайҳо — «Коммунизм» совхози ишчиси, Қуйи Чирчиқ райони.
102. **Эгамова** Орзибуви — «Ленин йўли» колхози аъзоси, Ўрта Чирчиқ райони.
103. **Эрбўтаева** Ортиқ — Димитров номли колхоз аъзоси Қуйи Чирчиқ райони.
104. **Эргашева** Тошбуви «Ленин йўли» колхози аъзоси, Ўрта Чирчиқ райони.
105. **Эшонқулова** Меҳри — 2-«Пискент» совхози ишчиси, Пискент райони.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1977 йил, 23 декабрь.

БУЮК ГРАЖДАН—ШОИР

Н. А. НЕКРАСОВ ВАФОТИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

БУНДАН юз йил муқаддам Россия пойтахтининг бир қатор кўчалари ўқувчи ёшлар, студентлар, революцион кайфиятдаги ишчилар билан гавжум эди.

Улар ўз қайғу ва умидларини зўр эҳтирос билан куйлаган, улар қалбида халққа, унинг порлоқ келажагига меҳр-муҳаббатни, золимларга чексиз нафратини тарбиялаган буюк шоир — Николай Алексеевич Некрасовни охирги йўлга узатгани йиғилишганди. Минглаб кишилар шоир тобутини қабристонгача узатиб боришди. Пушкин ўлимидан кейин шаҳар бунчалик қудратли инқилобий намойишни ҳали кўрмаганди. Ф. М. Достоевский шоир қабри тепасида туриб, Некрасовни шоир сифатида Пушкин ва Лермонтовдан кейинги ўринга қўйиш мумкин, деб айтганда халойиқ орасида «Юқори, улардан ҳам юқори» деган овозлар эшитилди.

Чиндан ҳам Н. А. Некрасов ҳаётлигидаёқ бутун илғор Россиянинг эрк учун курраши, шу кураш йўлидаги азоб-уқубатлари, халқ дарди, қайғуламлари ҳамда орзуларининг зўр ифодачиси-га чинакам халқ шоирига айланган эди. Некрасов рус назмида чуқур гражданлик туйғулари билан суғорилган, афкор оммани аянчли ҳаёти, ўй ва ҳислари, мақсад ва интилишларига бевосита якин турган, уни қўлга қурол олиб, золимлардан қасос олишга чақирган, ўз озодлиги учун курашишга даъват этган исъёнкор поэзиянинг бошловчисидир.

Зотан шоирнинг ўзи ғаричи у крепостник-дворян оиласида туғилган бўлса-да ўз атрофидаги кишиларнинг оғир турмушини жуда эрта кўрди, кузатди, бу турмушнинг бутун машаққатини қалбан ҳис этди:

Мана яна ўша таниш,
боболар жойи,
Шу масканда ўтди улар
умри ҳавойи,
Бадмагрурлик, базмларда
лақиллаш билан,
Ғийбат билан, зўрлик билан
ҳамда фаҳш билан,
Бир томонда қуллар чекиб
оҳу-воҳ, азоб,
Қуй кўрарди бой итидан
минг марта хароб.

Шоирнинг ўзи кейинчалик хотирлашича, у ўн олти ёшигача крепостной чонини еб яшаган, кейин эса ҳеч қачон крепостнойларга эгалик қилмаган. Худди шу ёшида у Петербургга золим отасидан сир тутиб, университетга кириш учун йўл олади. Унинг чўнтагида ўзи ёзган шеърлардан иборат бир дафтарча бор эди.

Россия пойтахтида оғир машаққатли ҳаёт кечиришга мажбур бўлди у. У отаси ниятига қилганидек дворян полкига эмас, дорулфунунга киришга аҳд қилганди, аммо отасига шу ҳақда ёзиши билан оқ, ўғлини ўз марҳаматидан бутунлай маҳрум қилди, унга ҳар қандай ёрдам кўрсатишдан воз кечди. Николай дорулфунун имтиҳонларидан ўтолмади. У эркин тингловчи сифатида ўқишга қатнаб турди, аммо тез орада буни ҳам ташлаб кетишга тўғри келди—егулик нон, кийгулик дуруст кийими ҳам қолмаган эди. Бундай ярим очлиқда кун кечириш роса уч йил давом этди. Бу орада ёш шоир бировларнинг ёзувчизув ишларини қилиб, бир амаллаб кун кечириб турди. Айни чоғда бу машаққатли йиллар унинг иродасини яна ҳам тоблади, тузумнинг аянчли манзаралари унда нима қилиб бўлса ҳам ҳаётда ўз йўлини топиб олишга бўлган умидини сўндирмади.

Некрасовнинг биринчи шеърлар тўплами ҳаққоний равишда танқидга дучор бўлди, аммо ундаги зўр эҳтирос ўти яна ва яна ижод қилишга ундади. У Петербургдаги бир қатор журналларда ўз мақолалари, хабарлари билан қатнашиб турди, ўз истеъдодини турли хил жанрларда синаб кўрди, ҳатто қатор қиссалар, ҳикоялар ва роман ёзди.,

Буюк рус танқидчиси В. Г. Белинский билан учрашув Некрасовда ўчмас из қолдирди. Белинский зўр иқтидор ва куч-иродага эга бўлган бу ўткир ақлли йигитчани жуда севиб қолди, унинг пойтахтдаги «тубанликлар»да яшовчи кишилар тўғрисида ёзган «Петербург физиологияси» очеркини, «Ватан», «Йўлда», «Полизчи», «Тройка» каби шеърларини Белинский жуда юқори баҳолади. Бу асарлардаги халқ турмуши лавҳалари, зулмга қарши эҳтиросли кураш пафоси бевосита ҳаётий заминга эга бўлган манзаралар ёркин ва лирик ифода этилган эди, бу асарлар Некрасовни катта поэзия оламига олиб чиқди.

Шоирнинг ана шундай актуал мавзуларда яратган ўнлаб асарлари рус назмида янги бир даврни бошлаб бердики, у ўз темаси билан ҳам, ҳаётий воқеаларнинг рўйи-рост акс эттирилиши билан ҳам, кескин, ўткир тили, ҳар қандай ортиқча жим-жимадорликдан ҳоли бўлган бадиий услуби билан ҳам буткул ажралиб турарди. Мазкур асарлари билан Некрасов, Пушкин ва Лермонтов ҳаётини тасвирлаш билан бир қаторда шу халқнинг порлоқ истиқболига умид ва ишонч уйғотувчи асарлар ҳам битди. Уларда чинакам халқ фарзандларининг эрк учун курашга зўр даъват билан порлаб турган машаққатли, аммо шарафли ҳаётини баралла куйлади. Шоирнинг Белинский, Чернишевский, Добролюбовга бағишлаб ёзган шеърлари шулар жумласидандир. Шоир фахр билан ёзадики:

Эй она табиат, аҳён-аҳёнда
Шундай фарзандларни
этмасанг ато,
Ҳаёт воҳалари ёруғ
жаҳонда
Қуриб аллақачон бўларди
адо.

Н. А. Некрасов шеъриятининг шоҳ асари «Русияда ким неча рус инқилобчилари авлоди чириб битган тузумга қарши аёвсиз курашларида шу қасоскор шеърият булоқларидан баҳраманд бўлдилар, дастлабки кураш сабогини олдилар. Доҳиймиз В. И. Ленин Некрасов шеърларини севиб ўқиган, унинг ижодига юқори баҳо берган, шоирнинг кўпгина шеърларидан энг яхши сатрларни ўз асарларида қайта-қайта тилга олган.

Н. А. Некрасов серқирра ижод соҳиби, қатор ҳикоялар, қиссалар, романлар, ўнлаб адабий-танқидий мақолаларнинг ҳам муаллифидир. Айниқса, унинг муҳаррирлик ва ноширлик фаолияти диққатга сазовор. Некрасов йигирма йил давомида Россиянинг энг машҳур журнали «Современник»нинг нашри ва редактори бўлиб турди, бу орада унинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида ҳар бири 400 бетдан иборат жамми 200 дан зиёд жилдлик журнал номерлари чоп қилинди. Кейинчалик Некрасов «Отечественные записки» журналини ҳам қатор йиллар давомида бошқарди.

Мазкур катта журналлардаги фаолияти давомида у рус классик адабиёти ва танқидчилиги, тарихи ва журналистикасининг энг илғор намоёндаларининг ғоявий-бадиий етук асарларини эълон қилишга биринчи даражали аҳамият берди, жуда кўп зўр истеъдодли ижодкорларга бевосита оталик қилди. Бу журналлар, Ленин таъбири билан айтганда, рус публицистикаси олтин даври бўлган ўтган аср 60 йилларининг энг таъсирли, изчил демократик ва ғоявий ҳамда бадиий жиҳатдан пухта ва исёнкор овози эди. Уларда Белинский, Тургенев, Толстой, Гончаров, Салтиков, Островский каби буюк адибларнинг, Чернишевский ва Добролюбов сингари улуғ алломаларнинг энг яхши асарлари биринчи марта эълон қилинди.

«Мен шунга аминманки, — деган эди Н. Г. Чернишевский Некрасов ҳақида, — унинг шуҳрати асло сўнмайди, Россиянинг унга бўлган меҳри абадийдир. У рус шоирлари ичида энг геннали ва энг олижаноб идир. У чиндан ҳам жуда юксак, саҳоватли қалб ва буюк ақл эгасидир. Шоир сифатида ҳам у барча рус шоирларидан юқори туради».

«Ватаннинг дардини ўз дарди», деб билган, «бўлмасанг ҳам шоир, лекин сен, граждан бўлишга, бурчлисан, граждан — бу нима демак, Ватанига чин фарзанд бўлмак» деб куйлаган Н. А. Некрасов ҳамиша халқимизнинг энг севимли шоирларидан бири бўлиб қолажак.

Илҳом СУЛТОНОВ.

Оққўрғон район «Узсельхозтехника» бирлашмаси ишчилари 1978 йил ҳосили учун пухта замин тайёрлашда колхозчиларга ва совхоз ишчиларига катта амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Бирлашма ишчилари ўртасида уюштирилган социалистик мусобақада тажрибали йнғувчи-слесарлардан Александр Тимашев ва Аҳмад Алладиновлар пешқадамлик қилишаётир.

Х. Аввалов фотолари.

КЕКСАЛАР КЎМАГИДА

Бундан икки йил муқаддам Келес посёлкасида оқсоқоллар совети тузилган эди. Унинг асосий вазифаси ичкиликбозликка қарши кураш, болалар ҳақида ғамхўрлик ва оилавий масалаларни ҳал этиш эди. Ҳозирги кунда областимизнинг кўплаб районларида ана шундай Советлар иш бошлаб юборишди.

Бўстонлиқ районининг Газалкент шаҳрида худди шу функцияни пенсионерлар Совети бажармоқда. Унга кўпни кўрган, оилавий шароитни тўғри баҳолайдиган етти кекса аъзо қилиб сайланган. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси З. Япаров Советга муваффақиятли раҳбарлик қилмоқда.

Ҳарбир аъзонинг вазифаси конкрет белгилаб олинган. Т. Носиров ва Н. И. Белик ичкиликбозларни огоҳлантириш, уларни жамоатчилик асосида муҳокама қилиб, йўл-йўриқ кўрсатиш билан шуғулланишади. З. Япаров ва Т. Ҳасановлар эса ҳуқуқ пропагандасига масъулдирлар. Уларнинг вазифаси қонунчилик тўғрисида суҳбатлар ташкил этиш ва лекциялар тайёрлашдир.

Ўсмирлар, жумладан, тарбияси қийин ёшлар билан ишлашда А. В. Суркова ва И. М. Швинтлар бой тажриба тўплашган. Баъзи болалар билан юракдан бирикки суҳбатлашишнинг ўзи кифоя. Қарабсизки, у яхши томонга ўзгаради. Мактабга ўз вақтида боради, кўчакуйда бекорга юрмайди. Фақатгина уни зийраклик билан кузатиш, қалбдан муомала қилиш зарур.

Совет аъзолари қонунни бузишгача етиб борган баъзи ёшлар билан иш олиб бориштяпти. Бунда улар ўсмирни ботқоққа судраган сабабни аниқлаб олишади. Кейин ягона тўғри хулосага келиб, иш бошлайдилар.

...Наташа Н. дўст танлашда унчалик зийрак эмасди. Ўртоғи нима билан шуғулланяпти, унинг қўлидаги жарақ-жарақ пуллар қаердан олинган — булар ҳақида ўйлаб ҳам кўрмас эди. Қизнинг бу хатоси ўзига зиён келтирди. У ёмон даврларда бўлиб, дарсларга қатнамай қўйди. Ёш қизнинг бу хилдаги юриш-туриши пенсионерлар Советини ташвишга солиб қўйди. Улар ўзларининг навбатдаги йиғилишларидан бирида Наташа билан суҳбатлашишни Анна Васильевна Суркованга топширишди.

А. В. Суркова орқаворотдан сўраб-суриштирди. Қўшнилар билан гаплашди, мактабда бўлди. Аниқлашича, Наташанинг ота-онаси у ҳақдаги буткул ғамхўрликни бувисига топширишган. Ўзлари фарзандлари олдида тез-тез жанжаллашиб туришган, ичкиликбозлик қилишган. Ўсмирнинг тарбиясида шу хилда нотўғри йўналиш пайдо бўлган, Анна Ивановна ана шулар ҳақида тўлиқ маълумот олиб бўлгачгина, қиз билан учрашишга аҳд қилди.

Албатта, ўша куниёқ ҳамма гап кўнгилдагидек чиқди, деб бўлмайди. Пенсионер аелнинг юракдан чиққан илиқ сўзларини Наташа кўп марталаб оулио турди.

— Қандай хоҳласам, шундай яшайман, бошқача яшаш эса қўлимдан келмайди, — деб қичқирарди қизча асабийлашиб.

Четдан қараган кишига Совет аъзоларининг ҳаракати зое кеттандек туюлиши табиий. Бироқ, Анна Васильевна Наташанинг олдидан қониқарли кайфият билан жўнади. Сабаби қизнинг ҳатти-ҳаракатларидан энди унинг тақдири кишилар учун бефарқ эмаслигини тушуна бошлаганлигини сезган эди. Демак, бошланиши ёмон эмас...

Пенсионернинг ишончи бежиз эмас экан. Яна бирикки суҳбатдан сўнг қиз қатъий бир қарорга келди. Уйи яқинидаги корхонага ишга жойлашди. Бироқ, Анна Васильевна унинг ҳаётини мунтазам кузатиб борди.

Турмушда ҳар нарса бўлиши мумкин. Шундай бўлса ҳам, Наташанинг корхонадан кетиб қолганлигини эшитиб, қаттиқ ажабланди. У билан яна учрашиб, бошқатдан суҳбатлашди. Инсонни фақатгина меҳнат улуғлашига, қизни ишонтиргунча кўп вақт ва сабр-тоқат керак бўлди. Аммо бунга эришди. Ҳозир Наташа шаҳар касалхонасида ишлайди, коллективда ҳурмати ҳам ортяпти.

Бу каби фактлар Совет аъзоларининг фаолиятида кам эмас. Т. Носирова ва И. М. Швинт сингари мураббийларнинг номини кўплаб ёшлар ҳозир ҳам ҳурмат билан тилга олишади.

Шаҳардаги ҳар қандай тадбирга Совет аъзолари бош қўшишяпти. Оилавий мажаронн ҳал этиш ёки кексаларнинг ҳуқуқ кечасини ўтказиш — бу йиғилишларнинг ҳаммасида улар албатта иштирок этишади.

Шаҳар кўчаларининг санитария ҳолатини текшириш бўйича ўтказилган рейд ҳам яхши самара берди.

Пенсионерлар Совети фаолияти ҳақида ҳамма билмайди. Сабаби унинг иш бошлаганига қисқа вақт бўлди. Бироқ, шаҳардаги кўпчилик кишилар ёрдам ва маслаҳат сўраб, бу ерга тез-тез келиб туришади.

Ш. АҲМЕДОВ.

ЮТУҚЛАР ОЛҒА ЧОРЛАЙДИ

ҲАР қачонгидан ҳам ютуқларга бой бўлган ва барча меҳнаткашлар учун чексиз қувонч келтирган юбилей йили ортда қолди. Бир йиллик масъулиятли меҳнат натижаларини сарҳисоб қилиш ва навбатдаги йил режаларини аниқ белгилаб олиш ҳар бир меҳнаткашнинг анъанавий одати.

Дарвоқе, юбилей йилидаги меҳнатларимиз натижасини таҳлил қилишда, энг аввало, турли жабҳалардаги ватанпарварлик ташаббусларнинг катта сафарбарлик кучини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Чунки, 1978 йилда эришилган барча ютуқларнинг асосий манбаи шудир.

Йил бошида бир группа илғор чорвадорлар соғин сигирлар маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш ташаббусини бошлаб бердилар. Одатдагидек, бу ватанпарварлик ҳаракати кутилганидан ҳам жадалроқ ва кенг қулоч ёзди.

Колхозимиз чорвадорлари аввалги йилларга нисбатан фарқли ўлароқ юбилей йилида давлатга гўшт ва сут сотиш планларини муддатидан анча илгари ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлдилар. 68 тонна ўрнига 93 тонна гўшт, 585 тонна ўрнига 630 тонна сут сотилди. Қувончлиси шундаки, соғиқ сигирларнинг маҳсулдорлиги олдинги йилдагига нисбатан 300 килограмм кўпайди.

Чорвачилик соҳасида эришилган умумий ютуғимизда ҳамкасбларим Сора Эллиқбоева, Жумагул Жўраева, Шарифа Ўроқовларнинг қўшган ҳиссалари, айниқса, салмоқли бўлди. Улар ўз қарамоқларидаги сигирлардан ўртача 3400 килограммдан ошириб сут соғиб олишга эришдилар.

Мен йил бошида қарамоғимдаги 15 бош сигирдан 4 минг килограммдан сут соғиб олиш юзасидан мажбурият қабул қилган эдим. Кейинчалик эса ташаббускорлар изидан бориб, янада юксак марраларга интилиб меҳнат қилдим. Натижа ҳам қувончли бўлди. Ҳар бир сигирдан ўртача 5200 килограммдан сут соғиб олиб, давлатга аввалги мажбуриятимда белгиланган 60 тонна ўрнига 78 тонна сут топшириб, юбилей йилини ёруғ юз билан якунладим.

Қўлга киритилган ютуқлар колхозимиз чорвадорларини янги марралар сари руҳлантириб юборди. Учинчи беш йилликнинг учинчи йилида барча кўрсаткичларни янада мустаҳкамлаш учун чорва қишлоғи ҳар томонлама намунали ўтказилмоқда.

Ў. ЕҚУБОВА,

Янгийўл районидаги Х. Турсунқулов номли колхознинг сут соғувчиси.

Дунё овози
Чет эл хабарлари

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ПОЙТАХТНИНГ ЯНГИ РАЙОНИ

● **ВАРШАВА.** Польша пойтахтининг янги — Урсинув райони ҳонадонларида биринчи марта янги йил арча чироқлари ёнди. 1977 йилнинг бошида бу ерга дастлабки оилалар кўчиб келган эди. Ҳозирги вақтда эса район аҳолисининг сони 13 минг кишидан ошди.

Урсинувдаги уй-жой биноларида ноёб архитектура ечимлари билан бинокорликнинг янги технологияси муваффақиятли равишда қўшиб олиб борилган.

Янги район — Варшавада уй-жойлар тез қурилаётган кўпгина участкаларидан бири бўлиб, бу биноларни индустриал усулда қуриш бу ерда кенг жорий этилган. Шаҳарда тўртта уйсозлик комбинати қурилган. Булардан иккитаси совет асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

300 МИЛЛИОН ПАССАЖИР

● **ПРАГА.** Чехословакия пойтахтининг метрополитени 300 миллион пассажир ташиди. Унинг биринчи линияси 1974 йил 9 майда ишга туширилган эди. Ўша вақтдан бери шаҳар транспортининг бу йўли тобора кенгайиб бормоқда. Праганинг ер ости экспрессларни ўтган бир йил ичида жами 102 миллион пассажир ташиди. Шу беш йилликда шаҳардаги метро линияларн анча кенгайтирилади. 1980 йилга бориб бу линиянинг умумий узунлиги 20 километрга етади.

БЕШ ЙИЛЛИК КОРХОНАЛАРИ

● **БЕРЛИН.** Ўтган йили Германия Демократик Республикасида юздан кўпроқ ҳар хил ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди. Халқ хўжалигига ҳар бири 500 минг киловатт қувватли иккита энергетика блокига, кўмир саноати ва рангли металлургиянинг бир қанча йирик корхоналарига, шунингдек кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга эга бўлди.

Шу беш йилликда ГДРнинг халқ хўжалик планида капитал қурилиш учун жами 242 миллард марка ёки аввалги беш йилликдагига нисбатан 60 миллард марка кўп маблағ ажратилган.

ЯНГИ УЙ-ЖОЙ БИНОЛАРИ

● **СОФИЯ.** Янги йил неча мингдаб болгарлар учун қўшалоқ байрам бўлди — улар янги йилни янги квартираларда кутиб олдилар. Ўтган йили бинокорлар Болгарияда қарийб 70 минг квартира қурдилар. 1978 йилда эса 82 мингдан кўп квартира қурилади.

Уй-жой қурилишининг кенг кўламда олиб борилиши — социалистик Болгариянинг ажойиб муваффақиятларидан биридир. Уй-жой проблемасини ҳал этиш Болгария Компартияси XI съезди илгари сурган стратегик вазифа ҳисобланади. Еттинчи беш йилликда мамлакатда 400 мингдан зиёд квартира фойдаланишга топширилиши лозим.

● **БРАТИСЛАВА.** Комарно комасозлари йилнинг дастлабки кунларида Совет Иттифоқи вакилларига 3 палубали «Феликс Дзержинский» дарё теплоходини топширдилар. Шу билан завод Совет Иттифоқи учун жами 400 та кема қуриб берди. Теплоход катта дарёларда туристларни ташиш учун мўлжалланган, 4400 киши дам оладиган сузувчи дам олиш уйи сифатида ҳам фойдаланилиши мумкин.

Бу йил СССРнинг буюртмаларига мувофиқ шу заводда яна битта уч палубали «Георгий Димитров» пассажир теплоходи ва ҳар бири 2700 тонна юк кўтара оладиган 11 та дарё-денгиз юк кемалари қурилади.

● **БУДАПЕШТ.** Будапештдаги «Красний Октябрь» тикувчилик фабрикаси СССР учун мўлжалланган тайёр кийимларнинг биринчи туркумини янги йилда Совет Иттифоқига жўнатиш учун транспортчиларга топширдилар. Бу йил фабрика бизнинг мамлакатимизга 350 мингта эркаклар костюми, 32 мингта пиджак ва 152 мингта шим юборади. Корхона коллективи СССР учун мўлжалланган кийим-кечакларни нуқул аъло сифатли қилиб чиқариш мажбуриятини олди.

(ТАСС).

РУМИНИЯ қурувчилари меҳнати билан пойтахтда кўп қаватли осмонўпар бинолар, турар-жой массивлари, йирик иншоотлар барпо этилмоқда. Суратда: Бухарестдаги янги турар-жой массиви. Аджерпресс—ТАСС фотоси.

АРАБЛАРГА ҚАРШИ ФИТНА

ЧЕТ эл сафарига чиққан АҚШ президенти Ж. Картер Саудия Арабистонида, Мисрда бўлди ва шундан кейин Асвонда Садат билан учрашди. У Яқин Шарқ проблемаси юзасидан ана шу давлатларнинг бошлиқлари билан музокаралар олиб борди. Бу визитлар Қўшма Штатларнинг президенти Садатнинг Исроил билан сепарат битим тузишга қаратилган ва боши берк кўчага кириб қолган йўлидан ҳалос бўлиш, «мўътадил» араб режимларини Тель-Авивга бир томонлама ён бериш сиёсатига жалб этиш борасидаги уринишлар билан боғланганлиги таъкидлаб ўтилмоқда.

Вашингтон ўзининг Яқин Шарқ дипломатиясида Тель-Авиви ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Тель-Авив эса агрессив йўлни ўтказмоқда, араб давлатларининг адолатли талабларини ва Фаластин араб халқининг қонуний ҳуқуқларини назар-писанд қилмаётир. Ж. Картер яқинда Фаластин давлатининг вужудга келтирилишига қарши чиқаётганлигини айтиб, Исроилнинг позицияси билан яна апоқ-чапоқ бўлиб кетди.

Шу муносабат билан чет эл матбуоти Қоҳирадаги расмий доираларнинг позициясига эътибор бермоқда. Садат даставвал шундай гаплардан гўё «бесаламжон» бўлиб қолгандек иш тутди. Аммо у Ж. Картер билан учрашиш арафасида Мисрнинг расмий вакили Миср «Фаластин давлатини дарҳол тузишни талаб қилмайди» ва ҳар қандай ҳолатда Фаластин территориясининг Иордания билан боғланган бўлишини афзал кўради», деб хабар қилди.

Ж. Картер бугун визит билан Асвонга келди. Ж. Картернинг бу визити планлаштирилмаган эди. У Асвонга Садат билан музокаралар олиб борди. Музокаралар тамом бўлганидан кейин АҚШ президенти баёнот берди. У ўз баёнотида Исроил қўшинларини босиб олинган территориялардан олиб чиқиб кетиш масаласида Америкانинг тутган маълум позициясини такрорлади ва Фаластин проблемасини «ҳар жиҳатдан» ҳал этиш тўғрисида гапирди. Аммо Ж. Картер мустақил Фаластин давлатини вужудга келтириш зарур эканлиги тўғрисида лом-мим ҳам демади ва аслини олганда Яқин Шарқ можаросини кенг кўламда бартараф этишнинг асосий қисмини назар-писанд қилмади.

Америка президенти араб дунёсида Садатнинг сепарат йўлига тарафдор бўлган кишиларни топа олмаганлиги матбуот хабарларидан кўриниб турибди. Арабларни ўз гапларига «кўндириш» Техрондаёқ бошланган эди. Бу ерда Ж. Картер ўз илтимосига кўра Техронга келган Иордания қироли Хусайн билан учрашди. Америка маъмурияти бошлиғининг Иорданияни Миср-Исроил битимида қатнашишга кўндириш учун қилган ҳаракатлари натижа бермади. Қирол Иорданиянинг позициясини ўзгартиришга унамади. Саудия Арабистонининг Ташқи ишлар министри ўз мамлакати номидан гапириб, «Исроилнинг босиб олинган барча араб территорияларидан, шу жумладан Қуддуснинг араблар яшайдиган қисмидан чиқиб кетиши ва фаластинликларнинг қонуний ҳуқуқларини, шунингдек уларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга ошириш» асосида Яқин Шарқ можаросини бартараф қилиш кераклигини айтди.

Яқин Шарқ мамлакатларининг жамоатчилиги арабларга қарши Исроил билан тил бириктирилганлиги жаҳоннинг шу районида можарони мустаҳкам ва адолатли бартараф қилиш ишига зарар етказади, деб ҳисобламоқда. Барча томонларнинг, шу жумладан Фаластин озодлик ташкилотининг иштироки билан Женева сулҳ конференцияси доирасидагина можарони шу тарзда бартараф қилишга эришиш мумкин. Бу конференция сепарат битимларни никоблочи пардага айлантириб юборилмаслиги шарт.

БМТ Бош секретари К. Вальдхайм бундай деди: «Манфаатдор барча томонларнинг музокаралар жараёнида иштирок қила олишлари жуда муҳимдир». «Менинг фикримча,— деб таъкидлаб ўтди у, —Яқин Шарқ проблемасини кенг кўламда ҳал этиш йўлини топиш муҳимдир. Сепарат битимга келиш йўли билан бу проблемани ҳал этиш мумкин эканлигига ишонмайман».

(ТАСС, 4 январь).

ҚОНУНГА ХИЛОФ ҲАРАКАТЛАР

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Исроил ҳукумати қонунга хилоф равишда босиб олинган араб территорияларини ўзлаштиришни рағбатлантиришни давом эттирмоқда. Информация агентликларининг берган хабарларига кўра, Исроил дарёсининг ғарбий соҳилида. Наблусдан узоқ бўлмаган жойда яна бир ҳарбийлашган яҳудий манзилгоҳини барпо этиш лойиҳаси Исроил министрлар кабинетининг сўнгги мажлисида муҳокама қилинган масалалардан бири бўлди. Ана шу райондаги туб араб аҳолисининг кўп марта билдирган норозилигига қарамай, «Гуш эмуним» экстремист ташкилоти ўта ўнг сионист малайларининг режаси Бегин ҳукумати томонидан маъқулланди.

Исроил ўнг диний доираларининг намояндалари босиб олинган барча араб ерларида ва жумладан Сурия ердан тортиб олинган Жўлан тепалигида Исроил ҳарбийлашган манзилгоҳларини барпо этишнинг кенг планини тайёрлашни ҳукуматдан талаб қилдилар.

Исроилнинг ҳарбийлашган ҳайриҳоҳлигидан фойдаланиб, «ҳимоя қилинадиган чегаралар» сиёсатини ўтказиш доирасида босиб олинган араб территорияларида яҳудий манзилгоҳларидаги аҳоли сонини кўпайтиришга қарор қилдилар. Улар шу мақсадда юзлаб янги «кўнгиллилар»ни ўша ёққа юборишни талаб қилдилар.

Шу тариқа Исроил босиб олинган араб территорияларида ўзининг ҳарбий кучларини сақлаш ниятида эканлигини намойишкорона тасдиқламоқда.

Объективда — Ҳиндистон. Ҳинд деҳқони.

ТАСС фотохроникаси.

Шанба саҳифаси

⊙ САНЪАТ ЯНГИЛИКЛАРИ.

⊙ МУШУКЛАР НЕГА ИУҚОЛДИ?

⊙ ФУТБОЛЧИЛАРГА — МУКОФОТЛАР.

⊙ СУВ ОСТИ ОЛАМИДА.

ИККИ ҲИКОЯ

БОЛА КЎНГЛИ...

— ОЛ, ОЛАҚОЛ қўзичоғим, оппоғим, — дея она олдидаги олтиндек узум бошини қизига илинди.

Боласининг узум доналарини қарс-қурс қилиб ейишига онасининг ҳаваси келади, меҳри тобланади: ёшлик-ёшлиқда.. Қизалоғининг ўйноқи кулдиргичлари, чарос лабчаси устидаги миттигина холчасига суқланиб қараб қўяркан, «суф-суфе, ўзимнинг кўзим тегмасин тагин», деган ўй кўнглидан ўтади. Чой хўплаб туриб, бенҳтиёр яна боласига боқади. Худди энди кўраётгандек қараб тўймайди.

Ширин ҳаёллар онани ўз оғушида аллалади. Гўё шу миттигина қизалоғи бўйи етган, сарв қомат эмиш. Уни узатаётганмиш. Тўйхонага тумонот одам йиғилганмиш. Она бенҳтиёр деразадан ҳовлига боқди. Атрофга разм соларкан, тўйга келганлар сиғишармикан-а деб қўйди. Сиғишади, бемалол сиғишади, ўзига далда берган бўлди.

...Куёви қизига, қизи эса куёв томон харир рўмолини бошига солганча дўст-ёрларни қуршовида ерга қараб, кўз билан келишяпти. Қизи оппоқ кийинган эмиш. Туфлиси ҳам, кўйлаги ҳам, ҳатто сочига такилган гуллар ҳам оппоқ эмиш. Илойим ҳаёт йўлингиз ҳам шундай оппоқ, ойдин бўлсин...

Куёв келинининг қўлидан олиб, дарвозага бошлади. Оналарининг кўнгли бўшашиб, кўзига ёш қалқди. Она худди бир нарсасини йўқотиб қўйгандек ганг иб, ярқ этиб яна қизалоғига қаради. Ҳайрият, ҳаёл экан, жилмайди у ва яна чой қуйиб қизига узатди. Қизалоғи эса беparвоғина чойни оларкан, ҳўплаб туриб, бир нарсаларни эслагандек кулдиргичларини ўйнатиб-ўйнатиб ярим жилмайиб қўярди.

Хаёл дарёси эса онани яна ўз оғушига тортди: қизи пахлавондек ўғилчасини кўтариб эшикдан кириб келаётган эмиш. Оналарини кўрдию, ўғилчасини унга пешвоз қўйиб юборди. Бувижонисининг ёнига ўтирган қизалоғи чўчиб, кўлидаги пиёла ерга тушиб чилчил бўлди.

— Яхшиликка кўринсин, майли ҳеч нарса қилмайди,— кулди она. Қизалоғи эса ҳамон кўйлакчаси ёқаларидан тутиб «туф-туф» қиларкан:

— Вой аяжоней, сизга ўзи нима бўлди-я, эсимни чиқариб юборди-ку. Қани айтинг-чи, нега «вой» дедингиз, нимани ўйлаётувдингиз, — деди онасини ҳол-жонига қўймай.

— Аввал сен айтчи, ўзинг нимага ҳаёл сураётувдинг!

— Анови, мен билан бир партада ўтирадиган Алишер борку, ўша жуда қизиқ болада...

— Яхши болами!

— Жудаям яхши бола... Аячи, ал, агар синфимизда бирокта бола менга қаттиқ гапирса, дарров ёнимни олади: «Агар шунга яна дўқ қилсанг мендан кўрасан, ҳа» деб муштини кўрсатиб қўяди. Ҳамма ундан қўрқади... Энди сиз айтинг, сиз нимани ўйлаётувдингиз!

Она жилмайиб оҳиста-оҳиста жигаргўшасининг бошини силади.

ОЙИЖОН

МУНИСА дарвоза олдида гурунглашиб турган хотин-халажларга жовдираб қараб-қараб қўйди. Ойиси бўлганида, албатта шулар орасида турарди. У эса ўртоқлари билан бекинмачоқ ўйнагакида ойижонисининг панасига келиб кўйлагига чирмалиб-чирмалиб яширинарди.. Эндичи...

У қизлар билан қувлашмачоқ ўйнаб туриб хотинлар томонга яна беихтиёр қаради... Сийжонисн йўқ эди. Кўнгли увишиб кетди. Яна қаради. Хотинлар орасидаги Ҳосият опа кўзига иссиқ кўриниб кетди. У онаси билан жудаям иноқ эди. Қачон қараманг бирга эдилар. Биргалашиб бозор қилишар, биргалашиб нон ёпишар, бир-бирларига кўшни оши узатишарди..

Ҳосият опанинг бошида ўша ойиси билан бир хил ўрайдиган рўмолни кўриб, Мунисанинг кўнгли жиз этиб кетди. Югурилаб, уйига кирдида шкафдан онасининг ўшанақа рўмолини олиб, учбурчак қилдида бошига солганча аёллар томонга қараб юрди.

— От босмаган жойларни тойлар боссин, кел ўтиракол, — ён кўшниси Мунисани алқаб ёнгинасидан жой кўрсатди. У эса Ҳосият опанинг пинжига тиқилди. Худди ойисига ўхшайди. Ойисининг ҳиди келиб турагандай. Боягина адаси билан аммаси ҳам Ҳосият опани мақташи б, аллаларнималар дейишаётувдия...

— Опоқи, опоқи, — деди у Ҳосият опанинг билагидан тутиб, опоқиси унга кулоқ тутиши билан, у:

— Сизни ойижон деб чақирсам майлими, ойижоним бўла-қолинг, — деди суйкалиб.

Ҳамма жимиб қолди. Ҳосият опанинг эса бошн ўзра чақмоқ чаққандай гангиб қолди... Кундузи отаси унинг қўлини сўратиб одам киргизибди. Вой ноинсофей, хотинликкка ундан бошқаси қурриб қолибдимия... Энди бўлса боласи... Шулар кўнглини алгов-далгов қилиб юборган, ортиқ ҳаяжонда эди.

— Нега энди мен ойинг бўларканман, — дея ўшқириб юборди. Муниса Ҳосият опани таниб бунақанги бақиргаиини энди эшитиши. Опоқисини ҳафа қилмоқчи эмасди. У ниҳояти яхши кўрганидан, азбароин ойижонисини соғиниб кетганидан шундай деди. Ойижон деб атаса ёмонми!! У беихтиёр хотинлар даврасидан узоқлашиб кетди.

— Болада гина гуноҳ-а, қўйинг-е, етимчанинг кўнглини чил-чил қилдингизу... — аёллар юмма талаб кетишди опоқисини.

— Шунча йил бева юриб, келиб-келиб энди битта майизни бўлиб еган кўздай кўшнимнинг эрига тегаймм!! Бундан кўра ўлганим, Нигорахонга қўшилиб ўлиб кетганим яхши эмасмиди!! Ҳосият опанинг аччиқ-аччиқ йиғлаб ,нолиётгани, узуқ-юлуқ эшитилиб турарди.

Мунисанинг бошидаги рўмолининг учлари енгилгина хилпираб, чаккаларига урилиб-урилиб кўяр, термулиб турган типтиниқ сувдаги акси эса ойижонисининг ўзгинаси эди. Наҳотки бу ёруғ жаҳонда ойижонисидан ёлғиз нишона бўлиб қолган бўлса... Қизчанинг юрак-юрагида бир нарса узилиб кетгандай бўлди. У беихтиёр «ойижон» деб юборди.

Дилбар МАҲМУДОВА.

«КЕЛИНЛАР ҚУЗҒОЛОНИ» РУС САҲНАСИДА

Ёзувчи Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» комедияси пойтахтимиз томошабинларига жуда манзур бўлганди. Комедия ҳозир ҳам театр саҳнасида муваффақият билан намойиш этиляпти.

Яқин орада рус томошабинлари ҳам мазкур спектаклни кўриш имконига эга бўладилар. Айни кунларда Горький номли рус давлат академик театри санъаткорлари «Келинлар қўзғолони»ни саҳнага қўймоқдалар.

Спектаклни саҳналаштиришда Ҳамза номли Давлат академик драма театри коллективи яқиндан ёрдам бермоқда. Жумладан, режиссёр Баҳодир Йўлдошев комедияни рус тилида ҳам ўзбек тилидаги сингари таъсирчан ва қизиқарли чиқиши учун катта иш олиб борянти.

Комедияда бош ролларни таниқли санъаткорлардан республикада хизмат кўрсатган артист В. Д. Александрова билан Л. С. Мельникова (Фармонбиби), Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Р. Любанский (Ўринбой), артистка З. Мохова (Башорат) ва бошқалар ижро этишади. Шубҳа йўкки, тез орада томошабинлар эътиборига ҳавола этиладиган.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

бу комедия Горький номли рус давлат академик театри репертуаридан муносиб ўрин олади.

ЯНГИ КУРГАЗМА

Пойтахтдаги халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида янги-янги экспозициялар очилмоқда. Шулардан бири «Халқ хўжалигида моддий ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш йўллари» деб номланадиган тематик кўргазмадир.

Маълумки, саноат корхоналарида ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тўғри фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда. Ўнинчи беш йилликнинг бир ярим йили мобайнида республикамизнинг ўзида ана шундай чиқиндилардан 6,5 миллион сўмлик зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Экспозиция стендларида шу маҳсулотлар намойиш этиляпти. Улар орасида Тошкент грампластинка заводи, тракторремонт заводи маҳсулотлари катта қизиқиш уйғотмоқда. Шунингдек, мебель ишлаб чиқарувчи заводлар ва бошқа корхоналар ҳам чиқиндилардан кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни қандай йўлга қўйганликлари ҳақида экспозициядан маълумот олиш мумкин.

Шаҳримизда янги йил байрами жуда қувноқ ўтмоқда. Болалар боғчалари, мактабларда Қорбобо ва Қорқиз бошчилигида арча атрофида ўйин-кулги бўлмоқда. Суратларда: [чапда] пойтахтдаги 188-болалар боғчасида Янги йил арча байрами; анъанага кўра энг баланд арча Ленин номли майдонга ўрнатилди. Бу арча атрофи доимо гавжум.

А. Абалян фотолари.

БИР ОҒИЗ ШИРИН СЎЗ

Кишининг кўнгли нозик бўлади. Уни сал нарса билан кўтариш ёхуд чил-парчин қилиш мумкин. Нохуш гап кишига қаттиқ ботади. Унинг асабларини бузади.

Келинг, ҳаётий мисолларга мурожаат қилайлик. Яқинда Турдали ота Ҳакимов Тошкент район халқ маорифи бўлимининг мудири Рустам Акбаров ҳузурига бир иш билан кириб келди. Рустамжон уни самимий кутиб олди, ҳол-аҳвол сўради. Суҳбат орасида бир пиёла чой ҳам узатди. Унинг отахонга нисбатан меҳрибончилиги шундай сезилиб турарди.

Турдали ака шу райондаги мактабларда фаррошлик қилган эди. Ҳозир эса кексалик гаштини сураяпти. Яна ўз ишини давом эттиришга азму-қарор қилибди. Қайси бир мактабга борса, рад жавобини эшитибди. Ота Районо мудирининг ҳузурига борайчи, сўзим ерда қолмас, деган ният билан бу ерга келган экан.

— Сиздек отахон учун эшигимиз доим очиқ,—деди Р. Акбаров самимиятлик билан.

Шу бир оғиз ширин сўздан отанинг боши осмонга етди...

Сотиболди ака шифохонада узоқ бетоб бўлиб ётди. Соғайгач, уйига қайтди. Унинг ён қўшниси Карим ака ҳам «кўнгил» сўрагани унинг олдига чиқди. Аммо, у шифохонадан янги чиққан беморнинг соғлиги, кайфияти билан ҳисоблашмай, шаҳ-гиллаб гапира бошлади. Ҳаёгданда унинг гапи адо бўлмасди. Бу, албатта беморга салбий таъсир кўрсатди. Унинг касалига касал қўшилди.

Дарвоқе, камтар киши андишали, ҳаёли бўлади. Бу фазилатлар, аввало унинг ширинсўзлигида кўринади. Шу ширин сўз кишининг бой ички дунёсини, унинг кишиларга иззат-икроми ва ўзига бўлган ҳурматини яққол кўрсатади.

Аксинча, камтарлик ҳислатларидан маҳрум кишигина беандиша ва қўпол бўлади. Албатта, улар эл назаридан қолади. Бинобарин, ширинсўзлик кишининг бебаҳо фазилати.

Ширин сўз ва хушмуомилали бўлсак ўзаро иззат-ҳурматимиз ошади. Ишонч ва садоқат мустаҳкамланади. Кайфиятимиз кўтарилади, руҳимиз тетик бўлади.

Муҳаммад АБДУЛЛАЕВ,
педагог.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

УЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7 ЯНВАРЬ СОАТ 13.00да

8 ЯНВАРЬ СОАТ 19.30да

ЛИРИК ХОНАНДАЛАР ВА РАҚҚОСАЛАР ДАВРАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ

«ДИЛРАБО» ВА «ГЎЗАЛ» АНСАМБЛЛАРИ

ХОНАНДАЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, ҚҚАССР халқ артисти

ГУЛШОД ОТАБОЕВА

ШЕРАЛИ ЖЎРАЕВ, АЛИЖОН ҲАСАНОВ, ХАДИЧА АЛИМАРДОНОВА.

РАҚҚОСАЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати

КАРИМА УЗОҚОВА

ДИЛБАР АБДУЛЛАЕВА

Интермедия ва юмор: Шерали ГОЗИЕВ, Абдуфаттоҳ САИДОВ;

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛЛАРИ

«ДИЛРАБО» ансамблининг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССР халқ артисти Айюб ҚОДИРОВ.

Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист САЛОХИДДИН ТУХТАСИНОВ.

«ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари—композитор СУЛТОН АНВАРОВ.

Музика раҳбари — ТУИҒУН ОТАБОЕВ.

Программани — СВЕТЛАНА ТАГИРОВА ВА МАВЖУДА ХОЛДОРОВА олиб борадилар.

Филармониянинг бадиий раҳбари — Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотларининг лауреати — композитор Мирсодиқ ТОЖИЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари эртадаб соат 10.00дан сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

ЧЕТ ЭЛ АЖОЙИБОТЛАРИ

ҚАДИМГИ ТЕАТР

Югославиянинг Охрид шаҳрида қадимги юнон театрининг қолдиқлари топилди. Бизнинг кунларимизгача театрнинг тошдан ўйиб ишланган ўн олти қатор ўриндиқлари яхши сақланиб қолган. Ҳозир бу ерда археологик қазиш ишлари давом эттирилмоқда.

Қадимги театр жойлашган ер ва унинг атрофидаги 45 минг квадрат метр майдонда мутахассислар қизғин иш олиб боришмоқда. Бу ишнинг биринчи босқичининг ўзидаёқ 30 минг куб метр тупроқ ташқарига чиқарилиши лозим. Келажакда қадимги маданиятнинг қайта тикланган бу ёдгорлиги ҳар йили ташкил қилинадиган фольклор фестивали ўтказиладиган жойга айланади.

ХУШЕР ҲАЙВОНЛАР

Токио технология институтининг профессори Ц. Рикитакининг айтишича, ёввойи эчки зилзила бўлишидан бир неча соат олдин бутунлай овқат емай қўяркан.

Ҳозирги вақтда олим ана шу сингари ҳайвонларнинг зилзила бўлишидан олдин ўзларини қандай тутишлари ҳақидаги китобини ёзиб тугатмоқда. Япония, Хитой ва Европа мамлакатларидаги кучли зилзилаларнинг гувоҳи бўлган 157 киши берган маълумотлар ана шу китоб учун асос бўлди.

«Мушуклар, сичқонлар, йўлбарслар, жуда кўп қушлар ва балиқлар, шубхасиз, зилзиланинг бўлишини олдиндан сезадилар, — деб ёзади олим. — Масалан, 1976 йилда Италиянинг шимолида жойлашган аҳоли пунктларида яшовчи мушукларнинг ҳаммаси бирдан йўқолиб қолди. Орадан бир неча соат ўтгач эса бу ерда ер қимирлади. Уй парандалари ҳам шу вақтда ўзларини қаёққа қўйишни билмай қолдилар». (АПН).

МУТАНОСИБЛИК БУЗИЛГАЧ...

ПИРАНЬЯ балиғининг катталиги бор-йўғи йигирма сантиметр келади. Лекин у дунёдаги энг хавфли йиртқичлардан ҳисобланади.

Жанубий Америка дарёларининг дахшати бўлмиш бу балиқ ҳатто Бразилия сув ҳавзаларидаги қўшниси — қайманданам ҳам хавфлироқдир. Унинг пиранья (португалчасига «ўткир тишли» демакдир) деб номланиши ҳам бежиз эмас. Пираньялар катта-катта гала бўлиб кечувдан ўтаётган ёки сув ичгани келган қорамолларга ҳужум қиладилар. Агар бирор сигир вақтида ўзини ўнглай олмаса борми, тамом бўлди дояворинг — ўн минут ичида ундан эти музей талаби даражасида қиртишлаб ажратилган скелет қолади, холос. Пиранья учун чўмилаётганлар баданидан бир парча гўшт узиб олиш ёки балиқчилар тўрини парча-парча қилиб ташлаш бор-йўғи бир дақиқалик иш.

Яқин-яқинларгача пиранья асосан Бразилиянинг шимолий ва ғарбий қисмида учрар эди. Лекин, мана бир неча йилдирки, ўткир тишли бу йиртқичнинг Амазония минтақасида ҳам пайдо бўлгани ҳақида хабарлар келмоқда. То бу ҳодисанинг сабабини аниқлагунча эколог ва ихтиологлардан иборат махсус экспедиция Амазонка ирмоқлари қирғоқларидаги «яшил дўзах»да ярим йил иш олиб борди.

Маълум бўлишича, бу кўнгилсиз янгиликка инсон айбдор экан. Гап шундаки, пиранья оқими сust, дарёларда яшашни хуш кўради, тезоб ҳавзаларда эса, одатда, у ўзини қирғоққа яқин тутади. Амазонка соҳилларига ҳам етиб келган саноат тараққиёти бир неча электр станцияларини вужудга келтирди. Буюк дарё бўйлаб тўғонлар пайдо бўлди. Натижада, оқим сусайди. Лекин ҳамжасига фақат бугина сабаб эмас. Маълумки, пираньянинг асосий душмани тилларанг дорадо балиғи. Бироқ дорадо кислородга бой, тезоб дарёларни хуш кўради. Сув омборларининг оқимсиз, сокин ҳавзаларида унинг яшаги келмайди.

Сунъий кўллар вужудга келтириш билан одамлар экологик мутаносибликни бузиб, пираньяга яхшилик, ўзларига ёмонлик қилдилар: доимий даҳшат солиб турувчи қушандасидан қутилган ўткир тишли йиртқичлар мисли кўрилмаган даражада кўпайиб кетдилар ва илгарилари пиранья нималигини билмаган дарёларни эгаллай бошладилар. Бунинг устига, уларнинг сув йўллари ёрдамисиз ҳам кўпайиши мумкинлиги аниқланди: пиранья увилдириғи ўрдак ва шунга ўхшаш сув қушларининг оёғи ёки патларига ёпишиб, олис ҳавзаларга ҳам борib тушар экан. Ҳозир у ерларда шундай йирик пираньялар борки, бундайлари уларнинг илгариги яшаш жойларида ҳеч қачон учрамаган .

Шу кунларда Бразилия ҳукумати шошилинч чоралар кўрмоқда: бошқа дарёлардан самолётда пиранья билан доимий рақибликда бўлган, лекин дорадочалик оқим тезоблигини талаб қилмайдиган тукунаре балиғини келтирмоқдалар. Бу балиқ учун фақат сувнинг ҳарорати йигирма даражадан паст бўлмаса бас.

Албатта, кислород тукунарега ҳам зарур, лекин у бу борада ҳам дорадога нисбатан анча «гапга кўнади». Ҳозир сув тубига ўрнатилган махсус асбоблар ёрдамида дарёни кислород билан бойитиш тажрибалари олиб борилмоқда. Аҳир, биргина йиртқич балиқни йўқотаман деб тўғон ва электр станциялари бузиб ташланмайди-ку!

[«Знание — сила» журналидан] .

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

ТОШКЕНТ районидаги Ғулистон қишлоғининг Ленин участкасида истиқомат қилувчи аҳоли яна бир қулайликка эга бўлди. Абразив заводи — аэропорт бўйлаб қатновчи 9-автобус маршрути участкаснинг халқа йўл билан туташган қисмигача узайтирилди.

Дала меҳнаткашларнинг бундай қулайлик яратишда пенсионерлар Юсуф Мўминоев, Ҳамдам Ҳамзаев, Маҳмуд Аҳмедов, Жўра Аҳмедовлар ҳам ғайрат кўрсатишди.—Отахонлар бизга бир неча бор бу ҳақда мурожаат қилишганди, — дейди 4-автопарк директорининг ўринбосари Абдулазиз Исроилов, — биз улардан йўлларни тартибга келтиришни илтимос қилдик. Кексалар кўпчиликнинг кўмагида ўз ваъдаларининг устидан чиқишлари билан автобус қатнови бошланди.

Шу кунларда бу маршрут бўйлаб 18 та автобус қатнамоқда.

С. ҲАСАНОВ.

ГАЗОМОБИЛЛАР

ШУ КУНЛАРДА Москва кўчаларида газда юрувчи такси ва юк автомашиналари пайдо бўлди. Суюлтирилган газ билан юрувчи автомобиллар атмосферага жуда кам миқдорда углерод оксиди чиқариши билан муҳим аҳамиятга эгалиги тажрибаларда исботланди, — дейди такси ҳайдовчиси Н. В. Родин, — мен ана шундай машинани ҳайдаяпман. Бунда двигател ҳам анча енгил ишлаши сезилади.

100 литрли баллон билан жиҳозланган машина 500 километр масофани боса олади. Газомобилларни Горькийдаги автозавод билан Москвадаги «АвтоЗИЛ» корхоналари ишлаб чиқара бошлади.

Спорт

УНВОН МУБОРАК

Физкультура ва спорт соҳасидаги узоқ йиллик самарали меҳнатлари ва СССР, Европа, жаҳон биринчиликларида, халқаро турнирларда спортимизни муносиб ҳимоя қилаётган муносиб шогирдлар тарбиялаган бир группа тренерларга республика физкультура ва спорт комитети коллегияси «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер» деган фахрий унвон берди. Оғир атлетикачи Р. Аванесов, самбочи С. Алиқмов, футболчи Г. Ермаков, мерган П. Кобрусев, эркин курашчи Г. Крапивин, сузувчи Р. Маннна, шунингдек В. Палацкий, И. Потапов ва Э. Сокаевлар ана шундай юксак номга сазовор бўлдилар.

Кўпсонли мухлислар ва спортчилар номидан биз тренер-устозларни юксак унвон билан кутлаймиз.

ПАХТАКОРЧИЛАРГА МЕДАЛЛАР ТОПШИРИЛДИ

Кеча республика спорт комитетида «Пахтакор» футболчиларига кичик кумуш медаллар топширилди. СССР спорт комитети футбол бошқармаси бошлиғи ўртоқ А. Ерёмин пахтакорчиларни ўтган йилги эришган ютуқлари билан қутлаб, тренерлар ҳамда футболчиларга диплом ва кичик кумуш медаллар топширди ва уларга янги мавсумда ютуқлар тилади.

Команда капитани А. Корченов ҳамда команда комсомол ташкилотининг секретари К. Бакановлар сўзга чиқишиб, мукофот учун миннатдорчилик билдиришди ва олий лигада ҳам ишқибозлар ишончини оқлашга ваъда беришди.

Гулистоннинг «Пахтачи» командаси тренери В. Десятчиков Ўз ЛКСМ Марказий Комитети бўлим мудири Ю. Шодиматов, Г. Титов номли мактаб-интернат тренери И. Тошмуҳамедов ва республика футбол федерацияси раиси В. Усмоновлар пахтакорчиларга янги мавсумда муваффақият тилашди.

Телевидение

«ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.30 — Гимнастика. 9.45 — «Вилмасвой Қуёшди шаҳарда» (мультфильм, 8 серия). 10.00 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 10.30 — Музикали программа. 11.00 — Москвичка. 12.15 — «Здоровье». 13.00 — «Метелица хоним». (бадиий фильм). 14.30 — Хоккей. «Спартак» (М) — НХЛ «Монреал Канадиенс». 16.30 — Спортлото. 16.45 — «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 17.45 — Лэсси (бадиий фильм, 15. серия. 18.30 — Янгиликлар. 18. 45 — Фильм спектакль. 19.35 — Ҳужжатли фильм. 20.05 — Концерт. 20.15 — «Мангу даъват» (бадиий фильм, 1-серия). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Кучли фигурачиларнинг Бутуниттифоқ мусобақалари 22.40 — Концерт. 23.25 — Янгиликлар,

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — «Цивиль лақабли кучучанинг саргузаштлари» (бадиий фильм, 6-серия). 10.35 — «Светофор». 11.35 — «Қиш тонги» (бадиий фильм). 13.05 — Шеърият мухлисларига. 13.25 — Концерт. 14.00 — Ота-оналар учун консультация. 14.30 — Кўча ҳаракати ҳавфсизлиги учун. 17.30 — Айиқча ва дарёда яшайдиган кимса (мультфильм). 17.40 — «Санъат гунчалари». 18.10 — «Ёшдик». 18.40 — «Ижод саҳифалари». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Деҳқон ва замон». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Тоза қалб узра (музикали программа). 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — Ойбек. «Қутлуғ қон» (Видеофильм, 6-қисм). 22.50— «Театр учрашувлари». (бадиий фильм).

Театр

НАВОИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7|1да **Этик кийган мушук** (12.00), **Бир актли балетлар** (19.00), 8|1 да **Доктор Айболит** (12.00), **Риголетто** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7|1да **Қор малинаси** (11.00), **Ўйланиш** (15.00), **Олтин девор** (19.30). 8|1да **Олтин девор** (11.00), **Қор малинаси** (15.00), **Қиёмат қарз** (19.30).

МУКИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7|1да **Она қизим** (12.00, 19.30), 8|1да **Она қизим** (12.00), **Йиллар ўтиб** (12.30). 9|1да **Она қизим** (12.00), **Оддий мўъжиза** (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 7|1да **Фақат ақл сотилмайди** (12, 15.00). 8|1да **Кўзингни каттароқ оч** (12,15.00).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Хиз матдош ошиқлар қиссаси** (кундуз ва кечқурун).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ», «ЧАНКА», «КОЗОГИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «НУҚУС», (кундуз ва кечқурун).

Қалби поралар — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Она — ҲАМЗА НОМЛИ(10.00),

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»).
Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета народных депутатов.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Эълонлар — 338142

Р. 00110. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли . босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. 2315.